

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

БЮЛЛЕТЕНЬ

БЮЛЛЕТЕНЬ

Высшая аттестационная комиссия при Кабинете Министров
Республики Узбекистан

BULLETIN

Supreme attestation commission at the Cabinet of Ministers
of the Republic of Uzbekistan

ISSN 2181-5763

2016 / 1

www.oak.uz info@oak.uz



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 31 мартдаги ПФ-371-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ОАК)ни ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 сентябрдаги 421-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги ва 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Бюллетени» нашр этилади.

**«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий аттестация комиссияси Бюллетени»
таҳрир ҳайъати**

| | |
|-----------------|---|
| А.Юсупов | – Ўзбекистон Республикаси ОАК раиси, бош муҳаррир |
| А.Даминов | – Ўзбекистон Республикаси ОАК бош илмий котиби, бош муҳаррир ўринбосари |
| У.Иноятов | – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири, Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати аъзоси |
| Б.Бегалов | – Давлат статистика қўмитаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати аъзоси |
| И. Абдурахмонов | – Геномика ва биоинформатика маркази директори, Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати аъзоси |
| Ғ.Абдуллаев | – Нефть ва газ конлари қидируви институти директори, Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати аъзоси |
| Б.Даминов | – Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори, Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати аъзоси |
| А.Расулев | – Ўзбекистон Республикаси ОАК физика-математика фанлари бўйича эксперт кенгаши раиси |
| А.Тўраев | – Биоорганик кимё институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси |
| К.Каримов | – Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси |
| Қ.Абдурасулова | – Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси |
| С.Зулунов | – Ўзбекистон Республикаси ОАК аппарати Мониторинг бўлими бошлиғи |
| Б.Шамуратов | – Ўзбекистон Республикаси ОАК аппарати Ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи |

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----|
| Олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар хусусида..... | 4 |
| Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарорлари..... | 9 |
| Профессор илмий унвонида тасдиқланган мутахассислар тўғрисида қисқача маълумот..... | 22 |
| Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари кенгашларининг қарорлари асосида рўйхатдан ўтказилган докторлик диссертацияси мавзулари тўғрисида маълумот | 28 |
| рўйхатдан ўтказилган докторлик диссертацияси мавзуларига оид киритилган ўзгаришлар..... | 28 |
| диссертация тадқиқотларини олиб бораётган изланувчилар докторлик диссертацияси мавзулари..... | 42 |
| катта илмий ходим-изланувчилар институтига қабул қилинганларнинг докторлик диссертациялари мавзулари..... | 56 |
| Докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар..... | 128 |
| Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори билан рад жавоби берилган ва Тартиб-қоида комиссияси қарори билан кўриш жараёнидан тўхтатилган аттестация ишлари ҳақида маълумот..... | 163 |

Рўйхатдан ўтказилган докторлик диссертацияси мавзулари

| Фан тармоғи | |
|-----------------------------------|-----------------|
| Физика-математика фанлари..... | 28, 42, 56, 61 |
| Кимё фанлари..... | 29, 42, 56, 66 |
| Биология фанлари..... | 43, 57, 67 |
| Геология-минералогия фанлари..... | 30, 44, 69 |
| Техника фанлари..... | 30, 44, 57, 70 |
| Қишлоқ хўжалиги фанлари..... | 33, 47, 58, 83 |
| Тарих фанлари..... | 34, 47, 58, 90 |
| Иқтисодиёт фанлари..... | 35, 49, 59, 94 |
| Фалсафа фанлари..... | 51, 100 |
| Филология фанлари..... | 36, 52, 59, 101 |
| География фанлари..... | 37, 108 |
| Юридик фанлар..... | 53, 109 |
| Педагогика фанлари..... | 37, 53, 111 |
| Тиббиёт фанлари..... | 38, 60, 117 |
| Фармацевтика фанлари..... | 123 |
| Ветеринария фанлари..... | 124 |
| Санъатшунослик фанлари..... | 124 |
| Архитектура..... | 125 |
| Психология фанлари..... | 54, 126 |
| Социология фанлари..... | 55, 127 |



Олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар хусусида

Маънавият, таълим-тарбия ва илму фаннинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жамият тараққиёти ва баркамол авлод тарбиясидаги ўрни бениҳоя каттадир. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда маънавият, таълим-тарбия ва илму фан соҳаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Таъкидлаш керакки, «мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10–12 фоизни ташкил этмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга сарфланиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсиялардан, яъни 6–7 фоиздан қарийб 2 баробар кўпдир»¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг дунё миқёсида ўзбек модели номи билан тан олинган тараққиёт ва Кадрлар тайёрлаш миллий моделларининг ишлаб чиқилиши бу борада муҳим аҳамият касб этиб, бугунги кунда улар ўзининг улкан амалий самарасини бермоқда. «Таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш дастури ҳаётимизга муваффақиятли жорий этилиши натижасида узлуксиз таълимнинг замонавий талабларга жавоб берадиган яхлит тизими яратилди. Бу тизим таълим жараёнларининг барча босқичларини – мактабгача ва мактаб таълимидан тортиб ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим бўғинини, шунингдек халқаро меъёрларга мос ҳолда бевосита фан доктори даражасини олиш учун диссертация ҳимоясини назарда тутадиган олий таълимдан кейинги бир босқичли таълимни ўзига қамраб олади»².

Глобаллашув жараёни чуқурлашиб бораётган ва жаҳон илмий-техникавий тараққиёти юқори суръатлар билан кечаётган ҳозирги шароитда таълим ва илм-фан соҳаларининг ўрни ҳар қачонгидан ортмоқда. Миллий иқтисодиёт ривожини таъминлаш, халқнинг турмуш даражасини сифат жиҳатдан оширишда ва ҳар бир мамлакатнинг жаҳондаги нуфузини юксалтиришда таълим, илм-фан ва рақобатбардош кадрлар муҳим омиллар сифатида қаралмоқда. «XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси халқ кучли бўлади? Бу саволга, аҳолиси интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсаётган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин»³.

Мамлакатимиз таълим тизими ва илм-фани тараққиётининг бугунги сифат даражаси ўзининг мустақкам тарихий пойдеворига эга бўлиб, мустақиллик йилларида уларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Табиийки, бундай тараққиёт замонавий шарт-шароит ва омиллар билан бир қаторда халқимизнинг кўхна тарихи, бой маданий ва маънавий меросига асосланади. Она диёримизда илм-фан ривожини учун шарт-шароит яратишга қадимдан катта эътибор бериб келинган. Илму маърифатга интилиш халқимизга хос хусусиятдир. Тарихан юртимизда таълим ва фан соҳаларини ривожлантириш учун зарур муҳитнинг мавжудлиги туфайли «бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу

¹ Ислоҳ Каримов. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. Тошкент: «Ўзбекистон», 2016, 25-б.

² Ислоҳ Каримов. «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2014 йил 16 май.

³ Ислоҳ Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон», 2000, 437-б.

фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган»¹.

Мамлакатимиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлган олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, баркамол авлодни тарбиялаш, таълим ва илм-фан соҳаларини сифат жиҳатдан ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, «биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, фақат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруриятини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин эканини ҳамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз»².



Бугун ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишлари учун таълим тизимида замонавий, халқаро стандартларга мос бўлган шарт-шароитлар яратилди. Бу 2012 йилнинг феврида Тошкентда ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этган жаҳондаги йирик халқаро ташкилот экспертлари, дунёнинг юзга яқин мамлакатидан келган таълим ҳамда

фан соҳаси мутахассислари хулосаларида ҳам ўз эътирофи ва холис баҳосини топди.

Ўтган давр мобайнида юртимизда таълим тизимида сифат ўзгаришлари амалга оширилиб, жумладан, таълим тизимининг барча турлари тубдан ислоҳ қилинди, замонавий юқори талабларга жавоб берувчи узлуксиз таълимнинг яхлит тизими яратилди, халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда олий таълимнинг икки босқичли тизими (бакалавриат, магистратура) яратилди.

Мамлакатимиз илм-фанини ривожлантиришга, жумладан, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини самарали ташкил этишга қаратилган бир қатор мақсадли дастурий ҳужжатлар қабул қилинди ва мақсадли чора-тадбирлар белгиланди. Уларнинг изчил амалга оширилиши Ватанимиз мустақиллигининг иқтисодий ва илмий-технологик асосларини мустаҳкамлаш, жаҳондаги нуфузини ошириш ва муносиб ўрнини таъминлашга хизмат қилди. «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазифаларини ва мамлакатда амалга ошириладиган иқтисодий ва демократик ислохотларни, илғор жаҳон тажрибаси ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, шунингдек диссертация тадқиқотларининг сифатини, илмий ва амалий аҳамиятини ошириш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишига шароитлар яратиш мақсадида»³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тараққиётимизнинг ўзига хос хусусиятлари ва мақсадларига монанд равишда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ фан

¹ Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Асарлар, 7-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон», 1999, 132-б.

² Ислом Каримов. «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференциядаги маъруза. «Халқ сўзи», 2012 йил 18 февраль.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони.

доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан, жумладан, қуйидагилар амалга оширилди:

олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими моҳиятига мувофиқ олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тубдан қайта кўриб чиқилиб, уларнинг янги таҳрири тасдиқланди;



етақчи олий таълим (31) ва илмий-тадқиқот муассасалари (9) ҳузурида 40 та фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш шакллантирилиб, уларнинг фаолияти йўлга қўйилди. Илмий кенгашга тегишли соҳалар бўйича таниқли олим-мутахассислар жалб қилинди. Мазкур илмий кенгашлар қошида тегишли ихтисосликларни қамраб олган илмий семинарлар ташкил этилди;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда аввал тасдиқланган докторлик диссертацияси мавзулари қайта кўриб чиқилиб, уларнинг 43 фоизига тегишли ўзгартиришлар киритилди. Бугунги кунда 4 404 нафар талабгорнинг диссертация мавзуси рўйхатдан ўтказилди;

ҳалқаро илғор тажриба ҳамда олий таълимнинг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторларини эътиборга олган ҳолда, «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати»нинг янги таҳрири ишлаб чиқилиб, унинг ўзбек, инглиз ва рус тилларида наشري чоп этилди;

ҳимоя қилинаётган диссертацияларнинг илмий ва амалий аҳамияти ҳақида оммавий ахборот воситаларида ахборот бериш, талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш бўйича тест ўтказиш ҳамда фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотлари мавзуларини рўйхатдан ўтказиш амалиёти жорий қилинди;

«Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати»нинг янги таҳририга мувофиқ ихтисосликлар паспортининг янги таҳрири ишлаб чиқилди;

«Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати»нинг янги таҳрирдаги тўлиқ варианты ишлаб чиқилиб, нашр қилинди;

11 180 нафар талабгорнинг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовлари ҳамда 14 299 нафар изланувчидан малакавий имтиҳонларни қабул қилиш ташкил этилди;

шу давр ичида 1100 та аттестация иши кўриб чиқилиб, 114 нафар талабгор фан доктори илмий даражасида, 107 нафари профессор, 89 нафари катта илмий ходим ва 376 нафари доцент илмий унвонида тасдиқланди. 2016 йилнинг биринчи чорагида 41 нафар талабгорнинг диссертация ҳимоясига рухсат берилди;

ОАКга тақдим этиладиган ҳужжатлар таркибини оптималлаштириш асосида улар сони ўрта ҳисобда 42 фоизга камайтирилди ҳамда аттестация ишларини қабул қилишни оптималлаштириш негизида ҳужжатларни қабул қилиш вақти 83 фоизга қисқартирилди;

илмий-педагогик фаолият олиб боришга лаёқатни аниқлаш бўйича тест синовлари, малакавий имтиҳонларни ташкил қилиш ва диссертация мавзуларини рўйхатга олиш тадбирларининг электрон ҳужжат айланиш тизимига ўтказилиши таъминланди. 2015–2016 йиллар мобайнида 12 471 нафар талабгорнинг ҳужжатлари электрон ҳужжат айланиш тизими асосида расмийлаштирилди;

ҳимоя қилинган диссертацияларнинг илмий натижалари замонавий талабларга жавоб беради, жумладан, ҳар бир ҳимоя қилинган диссертацияга етакчи хорижий илмий марказлар, олий таълим муассасалари ва олим-мутахассислардан ўрта ҳисобда 4 тадан тақриз келган. Шунингдек ҳимоя қилинган барча докторлик диссертацияларининг илмий натижалари амалиётга жорий этилиши таъминланган.

Таъкидлаш керакки, олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими шароитида орттирилган тажриба ва замонавий талаблар асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштириб борилмоқда. Шу жиҳатдан, «Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом»га тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, ОАК Раёсатининг қарори билан тасдиқланди ва Адлия вазирлигида



рўйхатдан ўтказилди. Мазкур низомни амалиётга самарали жорий қилиш юзасидан ОАКда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг мутасадди мутахассислари иштирокида ишчи семинари ўтказилиб (11.03.2016), уларни амалиётга сифатли жорий қилишни ташкил этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. «Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом»га киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, жумладан,

қуйидагилар билан тавсифланади: ушбу Низом матни таҳрир қилиниб, меъёрий талаблар тегишли йўналишлар бўйича тизимлаштирилди; малакавий имтиҳон қабул қилиш ҳуқуқини тегишли муассасага бериш талаблари аниқ белгилаб берилди; диссертация тадқиқотлари сифатини янада ошириш, услубий таъминотини такомиллаштириш ва илмий натижаларнинг ишончлилик даражасини янада ошириш мақсадида малакавий имтиҳонлар таркиби оптималлаштирилиб, жумладан, тегишли ихтисосликлар бўйича малакавий имтиҳон саволлари таркибида математик моделлаштириш ва математик статистика асослари бўйича саволларни киритиш юзасидан тегишли ўзгартириш киритилди; талабгорларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий билим савияси ва маънавиятини янада юксалтириш ҳамда диссертация тадқиқотларини мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва жамиятни янгилаш борасидаги ғоят масъулиятли вазифалар сари назарий-методологик жиҳатдан мақсадли йўналтириш юзасидан чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида «Мустақиллик мафқураси ҳамда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий негизлари ва илмий асослари» фани бўйича махсус имтиҳон қабул қилишнинг такомиллашган тартиби жорий қилинди; бюрократик тўсиқлар ва ортиқча қоғозбозликнинг олдини олиш мақсадида бошқа ташкилотдан келган имтиҳон топширувчидан талаб қилинадиган ҳужжатлар таркиби аниқ белгилаб берилди; тажрибадан келиб чиққан ҳолда малакавий имтиҳонни бир сессия давомида такроран ёки малакавий имтиҳонларни қабул қилиш сессиясидан ташқари даврда топширишга узрли сабабни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, муассасанинг ёзма мурожаати асосида ОАК рухсат бериши мумкинлиги киритилди. Шунингдек малакавий имтиҳон комиссияси фаолияти муддати икки йилгача белгиланди; талабгорларга қўшимча имконият яратиш мақсадида декабрь ойи ҳам малакавий имтиҳон сессия даври сифатида белгиланди; тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ва сақлаш бўйича ўзгартиришлар киритилди. «Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом» имтиҳон топширувчиларнинг назарий ва касбий тайёргарлик даражасини аниқлаш сифатини янада ошириш ҳамда уларнинг салоҳияти, билим савияси ва маънавиятини бугунги кундаги ғоят масъулиятли вазифалар сари йўналтиришга хизмат қилади.

Мазкур йўналишда «Эксперт кенгаши тўғрисидаги низом»га тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди. Шунингдек «Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом», «Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом» ва «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом»га киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳалари манфаатдор ташкилотлар билан келишилган ҳолда ОАК Раёсатининг қарори билан тасдиқланди.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси соҳасида коррупцияга қарши йўналтирилган тадбирлар бўйича амалий чоралар комплекс режаси ишлаб чиқилиб, муайян ишлар амалга оширилди. Мазкур масала бўйича ОАК фаолиятида ташкил этиш юзасидан Ишчи шўъбаси тасдиқланди, ОАК аппарати масъул ходимнинг одоб-ахлоқ Кодекси илк бор ишлаб чиқилиб, унда масъул ходимнинг касбий фаолияти ва хулқ-атворининг асосий қоидалари белгиланди. ОАК аппаратида кадрлар билан



ишлашни замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш бўйича услубий-ташкилий йўналишдаги чоралар кўрилди. Рўйхатдан ўтказилган докторлик диссертацияси мавзулари таҳлил қилиниб, коррупция муаммосига оид мавзуларнинг рўйхати шакллантирилди. Амалга оширилган чоратадбирлар таркибида ОАКнинг ишонч телефони (233-78-05) унинг «ягона телефони»га (200-02-07) жойлаштирилди ҳамда ОАК веб-сайтида коррупция муаммоси бўйича махсус ойна ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси ОАК бошланган ислохотларни мантиқий якунига етказиш юзасидан, жумладан, аттестация сифатини ошириш, мавжуд илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиш, аттестация органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аттестация жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича белгиланган тадбирларни изчил амалга ошириб боради.

Мамлакатимиз олимлари, ёш изланувчилар, илмий ва илмий-педагог кадрлар, баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, уларни аттестациядан ўтказиш соҳаларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар Ватанимизнинг иқтисодий ва илмий-техникавий мустақиллигини янада мустаҳкамлашда ҳамда унинг жаҳондаги нуфузини юксалтиришда фаол ва самарали иштирок этадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASI
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

РАЁСАТ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри

№ 221/1

2016 йил 2 февраль

Фан доктори илмий даражасида тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом» ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАК тегишли низомлари асосида

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг тегишли эксперт кенгашлари тавсияси асосида қуйидаги 11 нафар талабгор фан доктори илмий даражасида тасдиқлансин:

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Ихтисослик шифри | ИК рақами, муассаса номи | Илмий даража берилган фан тармоғи номи | Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши номи |
|----|---|-----------------------|--|--|---|
| 1. | Яхшимуратов Алишер Бекчанович | 01.01.02 | 16.07.2013.FM.01.01, Ўзбекистон Миллий университети | Физика- математика фанлари | Физика- математика фанлари |
| 2. | Нематов Шерзод Қаландарович | 01.04.05 | 16.07.2013.FM/Т.12.01, Физика-техника институту | Физика- математика фанлари | Физика- математика фанлари |
| 3. | Дадамирзаев Муҳаммаджон Ғуломқодирович | 01.04.10 | 16.07.2013.FM/Т.12.01, Физика-техника институту | Физика- математика фанлари | Физика- математика фанлари |
| 4. | Ёдгорова Дилбара Мустафаевна | 01.04.10 | 16.07.2013.FM/Т.12.01, Физика-техника институту (Бир марталик илмий кенгаш) | Техника фанлари | Физика- математика фанлари |
| 5. | Гафурова Дилфуза Анваровна | 02.00.04; 02.00.06 | 16.07.2013.К.01.02, Ўзбекистон Миллий университети (Бир марталик илмий кенгаш) | Кимё фанлари | Кимё ва фармацевтика фанлари |
| 6. | Мамарахимов Бунёд Икромович | 06.01.05 | 16.07.2013.Қх.22.01, Тошкент давлат аграр университети | Қишлоқ хўжалиги фанлари | Қишлоқ хўжалиги фанлари |
| 7. | Шамсиев Акмал Садирдинович | 06.01.02 | 16.07.2013.Қх/В.24.01, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институту | Қишлоқ хўжалиги фанлари | Қишлоқ хўжалиги фанлари |

| | | | | | |
|-----|---|----------|---|-----------------------|--|
| 8. | Жамолдинова Одинахон Расуловна | 13.00.01 | 16.07.2013.Ped.04.01, Тошкент давлат педагогика университети | Педагогика фанлари | Филология, педагогика ва психология фанлари |
| 9. | Урабова Марина Батировна | 13.00.05 | 16.07.2013.Ped.04.01, Тошкент давлат педагогика университети | Педагогика фанлари | Филология, педагогика ва психология фанлари |
| 10. | Шарипова Висолатхон Хамзаевна | 14.00.37 | 16.07.2013.Тиб.17.01, Тошкент тиббиёт академияси | Тиббиёт фанлари | Тиббиёт фанлари |
| 11. | Шахова Ирина Александровна | 14.00.37 | 16.07.2013.Тиб.17.01, Тошкент тиббиёт академияси | Тиббиёт фанлари | Тиббиёт фанлари |

Раис

Бош илмий котиб

А.Т.Юсупов

А.Д.Даминов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

РАЁСАТ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри

№ 222/1

2016 йил 27 февраль

Фан доктори илмий даражасида тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом» ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАК тегишли низомлари асосида

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг тегишли эксперт кенгашлари тавсияси асосида қуйидаги 14 нафар талабгор **фан доктори** илмий даражасида тасдиқлансин:

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Ихтисослик шифри | ИК рақами, муассаса номи | Илмий даража берилган фан тармоғи номи | Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши номи |
|----|---|-----------------------|--|--|---|
| 1. | Негматова Комила Сайибжановна | 02.00.07 | 16.07.2013.К/Т.14.01, Умумий ва ноорганик кимё институту | Техника фанлари | Кимё ва фармацевтика фанлари |
| 2. | Абдулладжанова Нодира Гуломжановна | 02.00.10 | 16.07.2013.К/В/Т.13.01, Биоорганик кимё институту, Ўзбекистон Миллий университети | Кимё фанлари | Кимё ва фармацевтика фанлари |
| 3. | Пулатова Лола Таирхановна | 02.00.09; 03.00.12 | 16.07.2013.К.01.02, Ўзбекистон Миллий университети (Бир марталик илмий кенгаш) | Техника фанлари | Кимё ва фармацевтика фанлари |
| 4. | Юсупов Фарход Махкамович | 02.00.11 | 16.07.2013.К/Т.14.01, Умумий ва ноорганик кимё институту (Бир марталик илмий кенгаш) | Техника фанлари | Кимё ва фармацевтика фанлари |
| 5. | Абдуллаев Алишер Абдумавлянович | 03.00.14 | 16.07.2013.В.15.01, Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институту (Бир марталик илмий кенгаш) | Биология фанлари | Биология фанлари |
| 6. | Бабоев Саидмурат Кимсанбоевич | 03.00.09 | 16.07.2013.В.15.01, Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институту | Биология фанлари | Биология фанлари |
| 7. | Арипджанова Дилафруз Уктамовна | 05.06.04 | 16.07.2013.Т.06.01, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институту | Техника фанлари | Техника фанлари |

| | | | | | |
|-----|---|----------|---|------------------------------|--|
| 8. | Саидов Абдусобиржон Абдурахманович | 05.01.02 | 16.07.2013.Т/ФМ.29.01, Тошкент ахборот технологиялари университети | Техника фанлари | Техника фанлари |
| 9. | Ахметов Адилбек Агабекович | 05.07.01 | 16.07.2013.Т.07.01, Тошкент автомобиль- йўллар институти | Техника фанлари | Техника фанлари |
| 10. | Шарифходжаев Усман Улфатович | 08.00.13 | 16.07.2013.1.03.01, Тошкент давлат иқтисодиёт университети | Иқтисодиёт фанлари | Иқтисодиёт фанлари |
| 11. | Худайбергана Дурдона Сидиковна | 10.00.01 | 16.07.2013.Fil.01.05, Ўзбекистон Миллий университети, Тил ва адабиёт институти, Фарғона давлат университети | Филология фанлари | Филология, педагогика ва психология |
| 12. | Муҳибова Ульпатхон Учқуновна | 10.00.05 | 16.07.2013.Fil.09.01, Тошкент давлат шарқшунослик институти | Филология фанлари | Филология, педагогика ва психология |
| 13. | Камалов Ойбек Ахматович | 12.00.03 | 16.07.2013.Ҳ.26.01, Тошкент давлат юридик университети | Юридик фанлар | Тарих, фалсафа, юридик, социология, санъатшуносл лик фанлари ва архитектура |
| 13. | Каримов Мохир Маърифович | 14.00.05 | 16.07.2013.Тиб.19.01, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти | Тиббиёт фанлари | Тиббиёт фанлари |
| 14. | Искандарова Шоҳиста Фехрузовна | 15.00.01 | 16.07.2013.Far.21.01, Тошкент фармацевтика институти | Фармацев- тика фанлари | Кимё ва фармацевтика фанлари |

Раис

А.Т.Юсупов

Бош илмий котиб

А.Д.Даминов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

РАЁСАТ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри

№ 223/1

2016 йил 31 март

Фан доктори илмий даражасида тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом» ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАК тегишли низомлари асосида

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг тегишли эксперт кенгашлари тавсияси асосида қуйидаги 12 нафар талабгор **фан доктори** илмий даражасида тасдиқлансин:

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Ихтисослик шифри | ИК рақами, муассаса номи | Илмий даража берилган фан тармоғи номи | Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши номи |
|----|--|---------------------|---|--|---|
| 1. | Болтаев Ганжабой Сапаевич | 01.04.11 | 16.07.2013.FM/Т.12.01, Физика-техника институтини, Ион-плазма ва лазер технологиялари институтини ва Самарқанд давлат университети (Бир марталик илмий кенгаш) | Физика- математика фанлари | Физика- математика фанлари |
| 2. | Бекназарова Саида Сафибуллаевна | 05.01.04 | 16.07.2013.Т/FM.29.01, Тошкент ахборот технологиялари университетини | Техника фанлари | Техника фанлари |
| 3. | Иногамов Акмал Муратович | 05.04.02 | 16.07.2013.Т/FM.29.01, Тошкент ахборот технологиялари университетини | Техника фанлари | Техника фанлари |
| 4. | Рахимов Бахтиёржон Неъматович | 05.04.02 | 16.07.2013.Т/FM.29.01, Тошкент ахборот технологиялари университетини | Техника фанлари | Техника фанлари |
| 5. | Камилова Халида Хафизовна | 05.06.04 | 16.07.2013.Т.06.01, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтини | Техника фанлари | Техника фанлари |
| 6. | Омарова Галия Едильбековна | 06.01.02 | 16.07.2013.Т.23.01, Тошкент ирригация ва мелиорация институтини | Техника фанлари | Техника фанлари |
| 7. | Абдурахмонов Олим Рустамович | 02.00.08 | 16.07.2013.Т.08.01, Тошкент кимё-технология институтини | Техника фанлари | Кимё ва фармацевтика фанлари |

| | | | | | |
|-----|---|----------|--|--------------------|--------------------|
| 8. | Хамраев Атажон Каримович | 14.00.33 | 16.07.2013.Тиб.19.01, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти | Тиббиёт фанлари | Тиббиёт фанлари |
| 9. | Абдуллаева Наргиза Нурмаатовна | 14.00.13 | 16.07.2013.Тиб.19.01, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти | Тиббиёт фанлари | Тиббиёт фанлари |
| 10. | Нурматова Наргиза Фатхуллаевна | 14.00.09 | 16.07.2013.Тиб.18.01, Тошкент педиатрия тиббиёт институти | Тиббиёт фанлари | Тиббиёт фанлари |
| 11. | Ризаева Севара Миргуламовна | 14.00.21 | 16.07.2013.Тиб.17.01, Тошкент тиббиёт академияси | Тиббиёт фанлари | Тиббиёт фанлари |
| 12. | Махмудов Аъзамжон Талатович | 14.00.31 | 16.07.2013.Тиб.17.01, Тошкент тиббиёт академияси | Тиббиёт фанлари | Тиббиёт фанлари |

Раис

А.Т.Юсупов

Бош илмий котиб

А.Д.Даминов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ

РАЁСАТ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри

№ 221/1

2016 йил 2 февраль

Профессор илмий унвонида тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом» ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАК тегишли низомлари асосида

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг тегишли эксперт кенгашлари тавсияси асосида куйидаги 5 нафар талабгор **профессор** илмий унвонида тасдиқлансин:

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Ихтисослик шифри | Иш жойи | Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши номи |
|----|---|---------------------|---|--|
| 1. | Холмунинов Абдулфатто Ахатович | 01.04.06 | Ўзбекистон Миллий университети | Физика-математика фанлари |
| 2. | Мухитдинов Джалолитдин Пахритдинович | 02.00.16 | Тошкент давлат техника университети | Кимё ва фармацевтика фанлари |
| 3. | Сагдуллаев Шамансур Шахсаидович | 02.00.10 | Ўсимлик моддалари кимёси институти | Кимё ва фармацевтика фанлари |
| 4. | Максудова Умида Мирзарахимовна | 05.06.03 | Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти | Техника фанлари |
| 5. | Байметов Карим Исаевич | 06.01.07 | Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти | Қишлоқ хўжалиги фанлари |

Раис

А.Т.Юсупов

Бош илмий котиб

А.Д.Даминов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

РАЁСАТ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри

№ 222/1

2016 йил 27 февраль

Профессор илмий унвонида тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом» ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАК тегишли низомлари асосида

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг тегишли эксперт кенгашлари тавсияси асосида қуйидаги 3 нафар талабгор **профессор** илмий унвонида тасдиқлансин:

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Ихтисослик шифри | Иш жойи | Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши номи |
|----|--|--|---|---|
| 1. | Азизов Кудратулла Хусанович | 05.09.02 | Тошкент автомобиль-йўллар институту | Техника фанлари |
| 2. | Мусурманов Равшан Курбанмуратович | 05.07.02 | Тошкент ирригация ва мелиорация институту Бухоро филиали | Техника фанлари |
| 3. | Амануллаева Дилором Дарвиновна | Эстрада хонандалиги кафедраси бўйича | Ўзбекистон давлат консерваторияси | Тарих, фалсафа, юримдик, социология, санъатшунослик фанлари ва архитектура |

Раис

А.Т.Юсупов

Бош илмий котиб

А.Д.Даминов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ

РАЁСАТ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри

№ 223/1

2016 йил 31 март

Профессор илмий унвонида тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом» ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАК тегишли низомлари асосида

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг тегишли эксперт кенгашлари тавсияси асосида қуйидаги 5 нафар талабгор **профессор** илмий унвонида тасдиқлансин:

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Ихтисослик шифри | Иш жойи | Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши номи |
|----|---|--|---|---|
| 1. | Мухамадиев Нурали Қурбоналиевич | 02.00.04 | Самарқанд давлат университети | Кимё ва фармацевтика фанлари |
| 2. | Мирзаев Пулат Таджиевич | Қурилиш конструкциялари кафедраси бўйича | Тошкент архитектура- қурилиш институту | Техника фанлари |
| 3. | Мажидов Ином Уришевич | 01.02.03 | Тошкент архитектура- қурилиш институту | Техника фанлари |
| 4. | Исматходжаев Сағдулла Кудратович | 05.05.04 | Энергетика ва автоматика институту | Техника фанлари |
| 5. | Кудратиллаев Ахматилла Саматиллаевич | 05.05.02 | Энергетика ва автоматика институту | Техника фанлари |

Раис

А.Т.Юсупов

Бош илмий котиб

А.Д.Даминов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

РАЁСАТ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри

№ 222/4

2016 йил 27 февраль

**Малакавий имтиҳонларни ташкил этиш сифатини
янада ошириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан дастурий чора-тадбирлар амалга оширилиб, жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг янги таҳрири ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни аттестациядан ўтказиш сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими шароитида орттирилган тажриба асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилмоқда. Малакавий имтиҳонларни ташкил этиш сифатини ошириш, уларни қабул қилиш ҳуқуқи берилган муассасалар тизимини такомиллаштириш ва имтиҳонларни қабул қилиш комиссиялари таркибини мустаҳкамлаш юзасидан «Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом»нинг янги таҳрири ишлаб чиқилиб, ОАК Раёсатининг қарори билан тасдиқланди ва Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси ОАК «Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом»нинг янги таҳрири тасдиқлангани ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганини эътиборга олган ҳолда, ОАК «Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом»нинг янги таҳририни амалиётга жорий қилиш юзасидан тегишли олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан зарур чора-тадбирларни амалга оширишни ташкил этсин.

2. Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг тегишли қарорлари билан малакавий имтиҳонларни қабул қилиш ҳуқуқи берилган қуйидаги муассасалар маълумот учун қабул қилинсин:

«Мустақиллик мафкураси ҳамда демократик жамият қуришининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий негизлари ва илмий асослари» фани бўйича: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Самарқанд давлат университети, Қорақалпоқ давлат университети, Наманган давлат университети, Ўзбекистон Миллий университети;

«Ўзбекистоннинг энг янги тарихи» фани бўйича: Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи илмий-методик марказ, Наманган давлат университети; Самарқанд давлат университети, Қорақалпоқ давлат университети;

«Чет тили» фани бўйича: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Андижон давлат университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Қорақалпоқ давлат университети;

ихтисосликлар бўйича: фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар фаолият кўрсатаётган муассасалар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи илмий-методик марказ, Ўзбекистон Миллий университети ва манфаатдор олий таълим муассасалари билан биргаликда 2016 йилнинг 20 апрелигача «Мустақиллик мафкураси ҳамда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий негизлари ва илмий асослари» фани бўйича малакавий имтиҳон дастурининг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқишни ташкил этсин ва тасдиқлаш учун тақдим этсин.

4. Ихтисослик бўйича малакавий имтиҳонларни қабул қилиш ҳуқуқи берилган муассасалар тегишли ихтисосликнинг хусусиятини эътиборга олган ҳолда ихтисослик бўйича малакавий имтиҳонлар дастурларига математик моделлаштириш ва математик статистика асосларининг тегишли масалаларини киритиш ҳамда 2016 йилнинг май ойи сессиясидан бошлаб ихтисослик бўйича малакавий имтиҳонларни саволлар таркибида математик моделлаштириш ва математик статистика асосларидан тегишли саволлар билан қабул қилишни ташкил этсинлар.

5. Малакавий имтиҳонларни қабул қилиш ҳуқуқи берилган муассасалар малакавий имтиҳонларни қабул қилиш комиссиялари таркибини «Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом»нинг янги таҳрири талаблари асосида қайта кўриб чиқиш ва келишилган ҳолда тасдиқлашни ташкил қилишни таъминласинлар.

Раис

А.Т.Юсупов

Бош илмий котиб

А.Д.Даминов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

РАЁСАТ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри

№ 223/5

2016 йил 31 март

**Докторлик диссертациялари мавзуларини
рўйхатдан ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом»га асосан ОАКга фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотлари мавзуларини мувофиқлаштириш, мониторингини олиб бориш ва уларни рўйхатдан ўтказиш юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисида низом»нинг 7-бандига мувофиқ

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарор қилади:

1. Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари кенгашларининг қарорлари асосида изланувчиларнинг докторлик диссертациялари мавзуларига оид киритилган тегишли ўзгаришлар 1-иловага, изланувчиларнинг докторлик диссертациялари мавзулари 2-иловага ҳамда катта илмий ходим-изланувчилар институтига қабул қилинганларнинг докторлик диссертациялари мавзулари 3–4-иловаларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилсин.

2. Рўйхатдан ўтказилган докторлик диссертацияси мавзулари ҳамда аввал рўйхатдан ўтказилган диссертация мавзуларига оид киритилган тегишли ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Бюллетенининг навбатдаги сонидан эълон қилинсин.

Раис

А.Т. Юсупов

Бош илмий котиб

А.Д. Даминов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

РАЁСАТ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри

№ 223/13.1

2016 йил 31 март

**Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик
диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган
илмий нашрлар рўйхатига киритилган нашрларда илмий мақолалар
чоп этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом»да ОАКга докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этиладиган етакчи илмий журналлар ва нашрлар, жумладан, электрон илмий-техник журналлар рўйхатини белгилаш вазифаси юклатилган. Мазкур вазифа ижроси юзасидан «Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати» ишлаб чиқилди ва чоп этилди.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишга оид тадбирларни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, диссертация тадқиқотларининг сифати ва илмий-амалий аҳамиятини ошириш, фанлараро тадқиқотларни янада чуқурлаштириш, изланувчиларнинг самарали фаолиятини рағбатлантириш ҳамда ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишига яратилаётган шароитларни янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом»га асосан

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарор қилади:

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати» (Рўйхат)нинг охирига таҳририга киритилган нашрларда изланувчилар томонидан аввалги йилларда чоп этилган илмий мақолалари Рўйхатда чоп этилган илмий мақолалар сифатида эътиборга олинсин.

2. «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати»даги тегишли ихтисосликнинг илмий даража бериладиган фан тармоқлари ва диссертация тадқиқотининг объекти, шунингдек Рўйхатга киритилган нашрларнинг муайян илмий йўналишда ихтисослашганини эътиборга олган ҳолда изланувчилар томонидан чоп этилган илмий мақолаларни тегишли фан тармоқлари бўйича Рўйхатда тавсия этилган нашрларда чоп этилган мақолалар сифатида эътиборга олинсин.


Раис

А.Т. Юсупов

Бош илмий котиб

А.Д. Даминов

Профессор илмий унвонида тасдиқланган мутахассислар тўғрисида қисқача маълумот



Холмунинов Абдулфатто Ахатович

Профессор (02.02.2016). 1958 йилда туғилган, миллати ўзбек. Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Ўзбекистон Миллий университети яримўтказгичлар ва полимер физикаси кафедраси профессори. Катта илмий ходим (2007), физика-математика фанлари доктори (2008). Илмий стажи – 28 йил ва педагогик стажи – 6 йил.

Илмий ишлари полимерлар термо- ва гидродинамикаси, реологияси, поляризация-оптикаси, релаксацияси, электролизи, нанозификаси, макромолекуляр тизимлар структуравий шаклланиши ва фазавий ўзгаришлари, нанотолалар электроспиннинг йўналишларини ўз ичига олади.

Илмий лойиҳалар асосида тадқиқотлар олиб борган. Илмий-тадқиқот натижалари бўйича 180 та илмий иши чоп этилган, шундан 80 таси докторлик диссертацияси ҳимоясидан кейин эълон қилинган, 12 таси нуфузли хорижий ва 20 таси республика илмий журналларида эълон қилинган илмий мақолалар. Физика факультети талабалари учун «Полимер толалар физикаси» (2009) ва «Полимерлар физикаси» (2015) ўқув қўлланмаларини чоп этган.

Унинг бевосита иштироки ва илмий раҳбарлигида махсус реооптиметр ишлаб чиқилган ҳамда унинг ёрдамида табиий ва синтетик полимерларнинг (ипак фиброини, целлюлоза ва унинг ҳосилалари, хитозан, пектин, полиэтилен, полистирол, акрилонитрил сополимери ва бошқалар) бўйлама ва силжиш майдонларида структуравий ва фазавий ўзгаришлари, анизотропик ва релаксацион тавсифлари, ориентация кристалланиши каби фундаментал ва амалий аҳамиятга эга махсус тузилиш ва физик хоссалари аниқланган. Хусусий биологик фаолликка эга хитозан биополимерини олиш ва уни модификация қилиш ҳамда тўрсимон наноғовакли материаллар шакллантиришнинг реокимёвий усули ишлаб чиқилган, шунингдек ушбу полисахариднинг тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган молекуляр массали намуналари ва тизимлари яратилган. Ион-полиэлектролит тизимларнинг оқимда электродиализини ўтказиш орқали электр ўтказувчи полимер геллар шакллантиришнинг илмий асослари такомиллаштирилган. Электрокинетик дзета-потенциални амалий қўллаш асосида полимер тизимлар ва материаллар сирт фаоллиги, ион-полимер таъсирлашиши барқарорлик энергиялари аниқланган. Полимер нанотолалар шакллантиришнинг электроспиннинг қурилмаси йиғилган ва унинг воситасида табиий ва синтетик полимерлар асосида ноёб хоссали нанотолали нотўқима материаллар олиш йўлга қўйилган. Мазкур материаллар наночақчалар ва наночопламалар сифатида синондан ўтказилган ва уларнинг юқори самарадорлиги аниқланган.



Мухитдинов Джалолитдин Пахритдинович

Профессор (02.02.2016). 1948 йилда туғилган, миллати ўзбек. Тошкент политехника институтини тамомлаган. Тошкент давлат техника университети ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш кафедраси профессори. Доцент (1991), техника фанлари доктори (2012). Илмий стажи – 4 йил, педагогик стажи – 35 йил.

Илмий ишлари мураккаб кимё-технологик жараён ва тизимларини математик моделлаштириш, технологик қурилмалар ва агрегатларни автоматлаштирилган бошқариш йўналишларини ўз ичига олади.

Илмий лойиҳалар асосида тадқиқотлар олиб борган. Илмий тадқиқотлари натижалари бўйича 80 дан ортиқ илмий иши чоп этилган, жумладан, 2 та дарслик, 1 та монография, 2 та ўқув қўлланма, 2 та услубий қўлланма, 4 та услубий

кўрсатма, 31 та илмий мақола. Диссертация ҳимоясидан кейин 31 та илмий иши чоп этилган, жумладан, 1 та дарслик, 1 та монография, 2 та услубий қўлланма, 4 та услубий кўрсатма, 14 та илмий мақола.

Унинг раҳбарлигида мураккаб аралашмаларни ажратиш жараёнининг функционал боғлиқликлари физик-кимёвий хоссаларини силлиқлантириш масаласи ечилган ва математик моделларнинг параметрлари баҳоларини олиш услубияти такомиллаштирилган ҳамда фазавий мувозанат шартларини ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган, шунингдек яқинлик мезонларининг турли модификациялари бўйича мувозанат маълумотларини силлиқлантириш натижаларининг солиштирма баҳолаш таҳлили амалга оширилган. Технологик жараённинг колонна баландлиги бўйлаб буғ ва суюқликлар оқимларининг ўзгариши шароитида спиртли аралашмаларнинг барча компонентлари ўзаро таъсирларини эътиборга олувчи математик модели ҳамда брагоректификация қурилмасида спиртли аралашмаларни ажратиш режимларини ҳисоблашда уларнинг ишончли яқинлигини таъминловчи ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган.



Мухамадиев Нурали Қурбоналиевич

Профессор (31.03.2016). 1955 йилда туғилган, миллати ўзбек. Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Самарқанд давлат университети физикавий кимё кафедраси профессори. Доцент (1994), кимё фанлари доктори (2013). Педагогик ва илмий стажи – 35 йил.

алюминий нишонлари юзаларини қайта ишлаш асосида лазер нурланиши юқори гармоникаларининг квазисинхрон генерациялари учун даврий лазер плазмалари ҳосил қилиш методикаси ишлаб чиқилган. Даври 0,15 мм дан 0,5 мм гача ўзгарувчи даврий структуравий плазмалар олиш имкониятлари кўрсатилган. Текис плазмаларга нисбатан

даври 0,15 мм бўлган структуравий плазмада учинчи гармоника генерацияси интенсивлигининг 8 мартаба ортиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

диссертацияда ривожлантирилган органик ва ноорганик моддаларнинг ночизиқли оптик параметрларини таҳлил қилиш самарадорлигини ўн марта оширувчи юзаларда кўп струяли плазмалар ҳосил қилиш усуллари Япониянинг Фан ривожига кўмаклашувчи жамияти томонидан рағбатлантирувчи «Турли материаллар ва техникаларнинг биотиббидидаги ночизиқли оптик қўлланишлари» мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳасини бажаришда қўлланилган (JSPS KAKENHI, 24760048-сонли гранти, Саитама тиббидиет университети қошидаги Илғор тиббидиет лазерлар ва офтальмология марказининг (Япония) 2015 йил 17 апрелдаги маълумотномаси).



Кимё фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Холиқов Абдували Жонизоқович: «Кўп компонентли металллар коррозияси ингибиторлари ва антикоррозийон қопламаларнинг физик-кимёвий хоссалари», 02.00.04–физик кимё (кимё фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/B2014.5.K62.

Илмий маслаҳатчи: Х.И.Ақбаров, кимё фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса: Ўзбекистон Миллий университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 16.07.2013.K.01.02 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Х.Т.Шарипов, кимё фанлари доктори, профессор; В.П.Гуро, кимё фанлари доктори; А.В.Умаров, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Тошкент кимё-технология институти.

Диссертация йўналиши: назарий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади пўлат коррозиясига N-, P- тутган кўп компонентли ингибиторлар ва антикоррозийон қопламалар таъсирининг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўп компонентли ингибиторлар ва коррозияга бардошли қопламалар янги авлодининг ҳимоялаш механизми ҳамда уларни ўз-ўзича тартибланувчан сирт қаватлари ҳосил қилиши аниқланган;

компонентли ингибиторларнинг хусусиятлари уларнинг металл юзасида юқори адсорбцияланиш қобилиятига эга экани натижасида пўлат водородланишининг сезиларли даражада секинлашишига олиб келиши билан асосланган;

аралаш ингибиторларда электрод сиртининг тўлиш даражаси, эриш тезлиги, адсорбцион мувозанат константаси ва компонентларнинг ўзаро таъсирлашув коэффициентлари аниқланган;

синергизм ҳодисаси юқори молекулали бирикмалар иштирокида қуйи молекулали алифатик аминларга нисбатан яққол намоён бўлиши кўрсатилган, бу эса турли кимёвий табиатли ингибиторларнинг таъсир механизмлари фарқи билан тушунтирилган;

занглаган сиртларни госсипол смоласи асосидаги қопламалар билан ишлаш натижасида ҳосил бўлган коррозия маҳсулотлари металллар парчаланиши жараёнини секинлаштирувчи қийин эрийдиган барқарор бирикмаларга айланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

ишлаб чиқилган кўп компонентли ингибиторлар ва госсипол асосидаги коррозияга бардошли қопламалар «Навоийазот» АЖнинг айланма сув системаларида металллар коррозиясига қарши жорий этилган («Навоийазот» АЖ нинг 2015 йил 1 майдаги 749-сон ва 2015 йил 4 июндаги жорий этиш тўғрисида 03/4303-сон маълумотномалари). Бунда кўп компонентли ингибиторларнинг ҳимоялаш самараси импорт ингибиторларига нисбатан 5% юқори бўлишига ҳамда металллар коррозиясини 97,63% гача камайтиришга эришилган.



Техника фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Сафаров Жасур Эсиргапович: «Топинамбур тугунаги ва наъматак меваси таркибидаги био-фаол моддаларни сақлаган ҳолда қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш», 02.00.16–кимё

технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Т322.

Диссертация бажарилган муассаса: Тошкент давлат техника университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент давлат техника университети ҳамда Энергетика ва автоматика институти ҳузуридаги 16.07.2013.Т.02.01 рақамли илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: К.Т.Норқулова, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Б.Т.Эшқувватов, техника фанлари доктори, профессор; Д.Н.Муҳиддинов, техника фанлари доктори, профессор; Х.С.Нурмухамедов, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Бухоро муҳандислик-технология институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади вакуумда инфрақизил нур ёрдамида қуритиш қурилмасида топинамбур тугунаги ва наъматак мевасини қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш ва қурилманинг энерготехнологик самарадорлигини ошириш орқали биологик фаол моддаларни сақлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

топинамбур тугунаги ва наъматак меваларининг кимёвий, иссиқлик-техник ва биологик хусусиятлари аниқланган ҳамда қайта ишлашнинг энергосамарадор технологияси яратилган;

топинамбур тугунаги ва наъматак мевасини қайта ишлашнинг оптимал усули вакуумда инфрақизил нур ёрдамида қуритиш жараёнининг ночизиқли динамик кўриниш модели ва қуритишнинг технологик қонуниятлари асосида ишлаб чиқилган;

қайта ишлаш жараёнини самарали ташкил қилиш ва коэффицентларни ҳисоблаш аниқлигини ошириш имконини берувчи технологик схема таклиф этилган ҳамда дискрет усулда қуритиш жараёнида иссиқлик ночизиқли тарқалишининг ўзига хослиги аниқланган;

қуритиш жараёнини бошқариш орқали намликни капиллярларда ҳаракатланиши ҳисобига маҳсулот таркибидаги микроэлементлар бир томонга йиғилиши натижасида биофаол қўшимча олишнинг технологик режими ишлаб чиқилган;

капилляр ғовак материаллар учун қуритиш қурилмасида махсус нур қайтаргич ёрдамида маҳсулотга инфрақизил нурнинг тўлиқ тақсимланиб тушишини таъминлаш ҳамда маҳсулот ва нурлатгич орасидаги масофа, оптимал тўлқин узунлиги ва маҳсулот қалинлигини нурлатиш қувватига боғлиқлиги ишлаб чиқилган;

топинамбур тугунаги ва наъматак мевалари таркибида биофаол моддаларни сақлаган ҳолда вакуумда инфрақизил нур ёрдамида қуритишнинг оптимал ҳарорати ва вакуум босими аниқланган ҳамда янги турдаги совитиш тизимига эга бўлган тегирмон ёрдамида кукун олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Топинамбур тугунаги ва наъматак меваси таркибидаги биофаол моддаларни сақлаган ҳолда қайта ишлаш технологияси «Ўзфарманоат» Давлат акциядорлик концерни ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимларига кирувчи корхоналарда жорий этилган («Ўзфарманоат» Давлат акциядорлик концернининг 2015 йил 30 ноябрдаги МД-06/1868-сон ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2015 йил 10 сентябрдаги 06/14-893-сон маълумотномалари). Вакуумда инфрақизил нур ёрдамида қуритиш технологиясини қўллаш натижасида ишлаб чиқариш қувватини 20 % гача ошириш имконини берган.

Минглиқулов Зафар Бозорович: «Суст шакланган жараёнлар ҳолатини интеллектуал таҳлиллаш норавшан моделларини қуриш усуллари ва алгоритмлари», 05.01.03–информатиканинг назарий асослари (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.06.2015/В2015.2.Т531.

Диссертация бажарилган муассаса: Тошкент ахборот технологиялари универси-тети ҳузуридаги Дастурий маҳсулотлар ва аппарат-дастурий мажмуалар яратиш маркази.

ИК фаолият кўрсатаётган муассасалар номи, ИК рақами: Тошкент ахборот технологиялари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 16.07.2013.Т/FM.29.01 рақамли илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Д.Т.Мухамедова, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Р.Н.Усманов, техника фанлари доктори, профессор; О.М.Набиев, техника фанлари доктори, профессор; Ш.Х.Рахимов, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади сушт шаклланган жараёнлар ҳолатини интеллектуал таҳлиллаш моделларини норавшан кластерлаш усули ёрдамида қуриш, модел параметрларини нейрон тўрлар ва эволюцион арилар колонияси алгоритми ёрдамида соzлашнинг гибрид усул ва алгоритмларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сушт шаклланган жараёнлар ҳолатини интеллектуал таҳлиллаш норавшан моделларини қуришнинг гибрид усуллари таклиф қилинган;

сушт шаклланган жараёнлар ҳолатини интеллектуал таҳлиллашнинг синфлаштириш, баҳолаш ва башоратлаш норавшан мантиқий моделини норавшан кластерлаштириш усули ёрдамида қуриш алгоритми яратилган;

сушт шаклланган жараёнлар ҳолатини синфлаштириш, баҳолаш ва башоратлаш норавшан мантиқий моделларини қуриш жараёнида турли хил тегишлилик функциялари бўлган ҳолатларда модел параметрларини нейрон тўрлари ёрдамида соzлаш асосида норавшан ечимни олиш мумкинлиги кўрсатилган;

сушт шаклланган жараёнлар ҳолатини интеллектуал таҳлиллаш норавшан мантиқий моделларини қуриш жараёнида турли тегишлилик функциялари бўлган ҳолатларда модел параметрларини арилар колонияси алгоритми ёрдамида соzлаш асосида норавшан ечимни олиш мумкинлиги кўрсатилган;

норавшан ахборот муҳитида кўпмезонли оптималлаштириш масаласи шакллантирилган ва ечиш алгоритмлари яратилган;

норавшан дастлабки ахборот муҳитида оптималлаштириш ва қарор қабул қилиш мезонлари ва алгоритмлари ишлаб чиқарилиши, тегишлилик функцияси ибораларида ечимларнинг яхшиланиш хусусиятлари ҳақидаги тасдиқлар исботланган;

сушт шаклланган жараёнлар ҳолатининг интеллектуал таҳлиллаш гибрид усуллари ёрдамида адекват норавшан моделлар қуриш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

сушт шаклланган жараёнлар ҳолатини интеллектуал таҳлиллаш норавшан моделларини қуриш усул ва алгоритмлари асосида ишлаб чиқилган синфлаштириш, баҳолаш ва башоратлаш дастурий воситалари Жиззах вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 йил 21 январдаги 02-8/343-сон маълумотномаси). Асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини башоратлаш, экин майдонлари ва чорвачилик соҳаси тузилмасини мақбуллаштиришда аниқликнинг 92–96,5 фоиз таъминланиши натижасида корхоналар банкротлиги хавф-хатарини баҳолаш ва башоратлаш масалаларини ечишда иш самарадорлигини 1,5–2 бараварга ошиши ва аниқликнинг 95–98,2 фоиз таъминлангани ҳисобига 1 270 млрд. сўмдан ортиқ йиллик иқтисодий самарага эришилди

Ибрагимова Озода Абдулхаковна: «Умумий фазовий электромагнит майдон бошқаруви тизимининг қурилмалари», 05.01.06–ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 12.05.2015/В2015.1.Т466.

Диссертация бажарилган муассаса: Тошкент темир йўл муҳандислари институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассасалар номи, ИК рақами: Тошкент давлат техника университети ҳамда Энергетика ва автоматика институти ҳузуридаги 16.07.2013.Т.02.01 рақамли илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: С.Ф.Амиров, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Т.Д.Раджабов, физика-математика фанлари доктори, профессор, академик; А.М.Плахтиев, техника фанлари доктори, профессор; А.Абдукаюмов, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ион-плазма ва лазер технологиялари институти қошидаги махсус конструкторлик технологик бюроси.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади умумий фазовий электромагнит майдон бошқаруви тизими ёрдамида оқава ва ичимлик сувларини тозалаш, зарарсизлантириш, тузсизлантириш қурилмаларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

сувни импульсли электромагнит майдон ёрдамида тозалаш, зарарсизлантириш ва тузсизлантириш ускунаси учун тиристорли частота ўзгартиргич бошқарув тизимининг конструктив схемалари ва қурилмалари яратилган;

илк бор сувни реагентсиз, умумий фазовий электромагнит майдон ёрдамида тозалаш, зарарсизлантириш ва тузсизлантириш учун қурилмалар яратилган;

импульсли бўйлама электромагнит майдон, импульсли электр майдон, айланувчи электромагнит ва гравитация майдонлари ўзаро таъсирлашувчи умумий фазовий электромагнит майдон ҳосил қилиш мумкинлиги назарий асосланган;

илк бор сувни тозалаш, зарарсизлантириш ва тузсизлантириш ускунаси учун бўйлама ва кўндаланг қўзғатиш чулғамларига эга бўлган умумий фазовий электромагнит майдон бошқаруви тизими қурилмалари ишлаб чиқилган;

сувни тозалаш, зарарсизлантириш ва тузсизлантириш ускунаси учун импульсли электромагнит майдоннинг уч фазали бошқарув тизими яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

илмий-тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган умумий фазовий электромагнит майдон бошқарув тизими қурилмаси темир йўл тизими ва бошқа корхоналарда амалиётга жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг 2015 йил 15 декабрдаги НГ/3893-15-сон маълумотномаси). Яратилган умумий фазовий электромагнит майдон бошқарув тизими қурилмаси қўлланилиши сувни тозалаш, зарарсизлантириш ва тузсизлантириш технологияси ишончлилиги 1,4 баробарга, фойдали иш коэффициенти 20 фоизга ва ишлаш муддатининг икки баробарга ошишига эришилиб, йиллик иқтисодий самара 134 млн. сўмни ташкил этган.

Рахимов Бахтиёржон Неъматович: «Оптик толали алоқа тизимлари асосида механик конструкция хусусиятларини назорат қилиш ва диагностикалаш усуллари», 05.04.02–радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари ва қурилмалари. Мобиль, тола-оптик алоқа тизимлари (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.06.2015/В2015.2.Т536.

Диссертация бажарилган муассаса: Тошкент ахборот технологиялари университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассасалар номи, ИК рақами: Тошкент ахборот технологиялари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 16.07.2013.Т/ФМ.29.01 рақамли илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Т.Д.Раджабов, физика-математика фанлари доктори, профессор, академик.

Расмий оппонентлар: А.М.Назаров, техника фанлари доктори, профессор; Ш.И.Клычев, техника фанлари доктори; Т.Б.Усманов, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Тошкент темир йўл муҳандислари институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади оптик-толали алоқа линиялари датчик қурилмаларига асосланган ҳолда механик конструкциялар ҳолатини баҳолашнинг автоматлашган ўлчов тизими, мониторинг алгоритми ва усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

тоғли ва қумли ҳудудлардаги магистрал линиялар механик таъсирини 0,9–1,2 м хатоликда диагностикалаш ва уларни қайта тиклаш вақтининг 2–3 мартага камайтириш имконини берувчи оптоэлектрон автоматлашган қурилма асосида оптик-толали алоқа линияларига ташқи таъсирлар ҳолатини текшириш ва назорат қилиш имконини берувчи усуллар ишлаб чиқилган;

механик конструкция элементларида деформацияни, ёриқларнинг келиб чиқиш жойи, тарқалиши, механик зўриқишларни диагностикалаб рўйхатдан ўтказишни, иншоотларнинг

физик параметрларини диагностикалашни аниқлаш ва мониторинг қилиш учун етти каналли оптоэлектрон автоматлаштирилган ўлчаш тизими «ОСП-7М» яратилган;

қаттиқ жинсли конструкцияларнинг деформация ва бузилишини баҳолаш ва назорат қилишда оптик-тола ва световод орасидаги масофани 0,01 мм гача сезгирликда аниқлаш усулини жорий этиш учун автоматлаштирилган ўлчов қурилма ишлаб чиқилган;

оптик-толали оптоэлектрон фотоколориметрия қурилмасида суюқлик моддалари хусусиятларини назорат қилиш (назорат қилишдаги оптик сигнал тўлқин узунлиги 920, 680, 560, 450 нм) услуги ва усули ишлаб чиқилган;

қаттиқ материалларнинг сирти ва ранглари хусусиятларини ўлчашда оптопаранинг уч ўлчамли X, Y, Z ($\lambda_1 = 680$ нм, $\lambda_2 = 560$ нм, $\lambda_3 = 450$ тўлқин узунликларда) параметрига асосланган юқори аниқликдаги оптик-толали оптоэлектрон назорат қилиш қурилмаси ва ўлчаш усули яратилган;

суюқликларнинг физик-кимёвий хусусиятларини юқори даражадаги аниқликда баҳолаш учун оптик-тола кўп каналли оптоэлектрон қурилма ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

оптик-толали алоқа тизимлари асосида механик конструкция хусусиятларини назорат қилиш ва диагностикалаш усуллари «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг оптик-толали магистрал алоқа линияларига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2015 йил 18 июндаги 02-8/2432-сон маълумотномаси). Механик конструкция элементларида деформация ва ёриқларнинг келиб чиқиш жойи, тарқалиши, механик зўриқишларни диагностикалаб рўйхатдан ўтказишни, иншоотларнинг физик параметрларини диагностикалашни аниқлаш ва мониторинг қилиш учун етти каналли оптоэлектрон автоматлаштирилган ўлчаш тизими «ОСП – 7М» яратилган. Таклиф этилган мониторинг қилиш усули магистрал оптик-толали алоқа линиялар шикастланишини 0,9–1,2 метр аниқлик даражасида назорат қилиш, қайта тиклаш вақтини 2–3 марта қисқартиришга эришиб, йиллик иқтисодий самара 70 млн. сўмни ташкил этган.

Иногамов Акмал Муратович: «Оптик толаларни камёб ер элементлари билан модификациялаш усуллари ва уларнинг спектрал тавсифи», 05.04.02–радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари ва қурилмалари. Мобиль, тола-оптик алоқа тизимлари (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Т329.

Диссертация бажарилган муассаса: Тошкент ахборот технологиялари университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассасалар номи, ИК рақами: Тошкент ахборот технологиялари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 16.07.2013.Т/ФМ.29.01 рақамли илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Т.Д.Раджабов, физика-математика фанлари доктори, профессор, академик.

Расмий оппонентлар: А.А.Абдуқаюмов, техника фанлари доктори, профессор; С.А.Бахромов, физика-математика фанлари доктори, профессор; Н.Рахимов, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: «UNICON.UZ» фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази давлат унитар корхонаси.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади камёб ер элементларига асосланиб мураккаб геометрияли кўп компонентли юпқа қатламларни вакуум муҳитида буғлантириш орқали оптик толаларни модификациялаш усуллари ҳамда камёб ер элементларининг юқори концентрацияли локал модификацияланган оптик толаларни тайёрлаш ва спектрал характеристикаларини ўлчашнинг оптик ва механик қурилмалар комплексини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оптик толаларни камёб ер элементлари билан модификациялаш мақсадида кварцли резонатор ва термик буғлантириш усулини қўллаган ҳолда вакуумда бошқаришли буғлантириш услуги ишлаб чиқилган;

оптик тола очик ўзагининг сиртида ҳосил қилинадиган ($\text{Er}_2\text{O}_3 - \text{Al}_2\text{O}_3 - \text{SiO}_x$ ва $\text{Er}_2\text{O}_3 - \text{Yb}_2\text{O}_3 - \text{Al}_2\text{O}_3 - \text{SiO}_x$) кўп компонентли оптик юпқа қатламлар қалинлиги ва таркибини юқори аниқликда назорат қилувчи эрбий, иттербий, кремний ва алюминий оксидларини бир вақтнинг ўзида вакуум шароитида бошқаришли буғлантириш услуги ишлаб чиқилган;

эрбий ионларининг кластерланишини сўндириш хусусиятига эга структуралар намуналарини тайёрлаш ва шакллантирилган қатламларда эрбий ионларининг юқори концентрациясини ($10^{20} - 10^{21}$) см⁻³ олишни таъминловчи оптик толаларни вакуум муҳитида модификациялаш усули яратилган ва экспериментал синовдан ўтказилган;

реактив газ (кислород) атмосферасида вакуумнинг 0,25–0,35 Па ($(2-3) \cdot 10^{-3}$ мм сим.уст.) босим қийматларида металл эрбий ва алюминийнинг бир вақтда буғлантириш усулини қўллаш ёрдамида вакуум муҳитида модификацияланган оптик толаларнинг намуналари, оптик толали алоқа линиялари учун амалий аҳамиятга эга эрбий ионларининг (Er^{3+})~1540 нм тўлқин узунлиги диапазолида интенсив фотолюми-несценция (нур тарқата олиш қобилияти) мавжудлиги исботланган;

юқори тезликли оптик толали алоқа линияларида қўлланиладиган модификацияланган оптик толаларни ишлаб чиқишнинг активлаштирилган андазаларини тайёрлаш ва камёб ер элементлар актив ионларининг юқори концентрацияли ($10^{20}-10^{21}$) см⁻³ самарали планар ҳамда оптик толали кучайтиргичларни яратиш усули ишлаб чиқилган;

камёб ер элементларини активлаштириш мақсадида интеграл оптик толали тизимлар учун модификацияланган оптик муҳитларда яратилган планар оптик кучайтиргичларни кўндаланг дамлаш услуги амалда татбиқ этилган;

модификацияланган оптик толалар ва қисқа масофали оптик кучайтиргичларнинг спектрал характеристикаларини ўрганишда экспериментал тадқиқот натижаларини экранда кузатиш ва рўйхатга олиш усуллари ишлаб чиқилган;

модификацияланган оптик толалар асосида ишлайдиган қисқа масофали оптик толали кучайтиргичларни яратишда камёб ер элементларининг концентрацияси баландлиги, кучайтиргичларнинг шовқин факторининг пастлиги ва кучайтириш коэффициент кўрсаткичи юқорилигини таъминлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

эрбий ионларини вакуумда бошқаришли буғлантириш орқали яратилган оптик кучайтиргичларда шовқин-факторининг пастлиги ва OSNR (Optical signal noise ratio) параметрининг юқорилиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

таркибида соф эрбий ва германий диоксидининг фаоллаштирилган ионлари юқори концентрациясига эга бўлган вакуум муҳитида $1 \cdot 10^{-3}$ дан $5 \cdot 10^{-4}$ Па босими остида камёб ер элементларни термик буғлантириш орқали оптик толалар ярим маҳсулотини тайёрлашнинг соддалаштирилган ва зарарсиз, экологик хавфсиз усули жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси IAP 04944 ихтирога патент).

Оптик толаларни вакуумда модификациялаш қурилмасида термик буғлантириш, буғлантирилган элементларни назорат қилиш ва буғланиш интенсивлигини бошқариш, технологик жараёнларни ягона экспериментал комплексда бирлаштириш, усуллари миллий телекоммуникациялар оператори АК «Ўзбектелеком» оптик толали тармоқларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2015 йил 12 июндаги 02-8/2317-сон маълумотномаси). Оптик толаларни камёб ер элементлари билан легирлашда моддий ресурсларга кетадиган сарф-харажатларни 35 фоиз ва оптик тола андазалари яратиш вақтини 50 фоиз камайтиришга, қисқа масофали оптик кучайтиргичлар ва модификацияланган оптик толалар кўринишидаги натижалар, бошқарилувчи пунктлар орасидаги оралиқ масофанинг 30 фоиз ошиши ва регенерацион қурилмалар сонининг 1,5 баробар камайтириши ҳисобига йиллик иқтисодий самара 72 млн. сўмни ташкил этган.

Узоқов Ғулом Норбоевич: «Мева-сабзавот омборлари иссиқлик-совуқлик таъминоти тизимининг энергетик самарадорлигини ноанъанавий энергия манбалари-дан фойдаланиб ошириш усуллари», 05.05.04–саноат иссиқлик энергетикаси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 12.05.2015/В2015.1.Т468.

Диссертация бажарилган муассаса: Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассасалар номи, ИК рақами: Тошкент давлат техника университети ҳамда Энергетика ва автоматика институти ҳузуридаги 16.07.2013.Т.02.01 рақамли илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Р.А.Захидов, техника фанлари доктори, профессор, академик.

Расмий оппонентлар: Д.Н.Муҳиддинов, техника фанлари доктори, профессор; Р.Р.Авезов, техника фанлари доктори, профессор; З.С.Искандаров, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ион-плазма ва лазер технологиялари институти қошидаги махсус конструкторлик технологик бюроси.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш асосида мева-сабзавот омборларининг энергия самарадор иссиқлик-совуқлик таъминоти тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мева-сабзавот омборларининг иссиқлик-совуқлик таъминоти тизимида ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишнинг илмий асосланган принципиал схемалари ишлаб чиқилган;

паст потенциалли вентиляция чиқинди иссиқлиги, мева-сабзавот маҳсулотлари-нинг нафас олиш иссиқлиги ва совитиш агентининг конденсацияланиш иссиқлигини утилизация қилиш усулига асосланган, қўшимча иссиқ сув олинадиган иссиқлик насосли иссиқлик-совуқлик таъминоти тизими ишлаб чиқилган;

илк бор омборларда оптимал намлик режимини сақлаш учун қуёш энергияси ва совитиш камерасининг паст потенциалли чиқинди иссиқлиги қўлланиладиган энергия самарадор ҳавони намлантириш тизими ишлаб чиқилган;

совитиш цикли орқали бир вақтда иситиш ва совитиш амалга ошириладиган энергия самарадор «Сабзавот омбори – гелиоиссиқхона» қўшма термодинамик тизими ишлаб чиқилган;

совитиш камераси ва маҳсулотлар штабелида нобарқарор иссиқлик-намлик режимини чуқур тадқиқот қилиш имконини берадиган, маҳсулотларни табиий совуқлик билан совитишда иссиқлик ва масса алмашинуви жараёнларининг такомиллаштирилган математик модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

иссиқлик насосли иссиқлик-совуқлик таъминоти тизимининг схемалари, мева-сабзавот омборларнинг энергетик самарадорлигини ошириш усуллари, энергия самарадор «Сабзавот омбори-гелиоиссиқхона» қўшма тизими ва пиролиз қурилмалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимига кирувчи корхоналар, жумладан, Қашқадарё вилоятининг «Бахт», «Довруғ» ва «Нишонбой Алламурастович» фермер хўжаликларида жорий этилиб, мева-сабзавот омборларининг энергия таъминотида 23 фоизи (721,8 кВт.соат/тонна) энергия сарфи камайиши ва омборларнинг технологик эҳтиёжи учун ишлатиладиган иссиқ сув таъминотида 14068 м³ табиий газ (17,28 тонна шартли ёқилғи) тежалиши ҳисобига умумий ўртача йиллик иқтисодий самара 104 млн. сўмни ташкил этган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2015 йил 27 апрелдаги 02/15-350-сон маълумотномаси).

Ғафуров Жаҳонгир Кабулович: «Йиғириш технологик жараёнларининг хусусиятларини инобатга олиб ипнинг механик кўрсаткичларини прогноз қилиш ва баҳолаш», 05.06.02–тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов бериш (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Т340.

Диссертация бажарилган муассаса: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги 16.07.2013.Т.06.01 рақамли илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: К.Жуманиязов, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: С.А.Хамраева, техника фанлари доктори; Н.М.Ашнин, техника фанлари доктори, профессор; К.С.Султанов, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Наманган муҳандислик-технология институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади ипнинг механик хосса кўрсаткичларини йиғиришнинг технологик жараёнлари хусусиятларини инобатга олиб, прогноз қилиш ва баҳолашнинг илмий асосларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қайишқоқлик назариясини қўллаб, ипнинг чўзувчи куч ва буровчи момент таъсирида унинг механик хоссалари ўзгарувчанлиги ҳамда анизотропиясини ҳисобга олиб содир бўлувчи деформациясини аниқловчи математик модели ишлаб чиқилган;

ипнинг структуравий тузилишини инобатга олиб, унинг статик ва динамик юкланганда деформацияланишини аниқлашда Кельвин моделининг вақт ичида ўзгарувчан параметрли моделини қўллаш тўғрилиги илмий асосланган;

ҳалқали машинада йиғирилган ип физик-механик хосса кўрсаткичларининг йиғириш машинаси кинематик ва технологик ишчи режимига боғлиқлиги аниқланган;

ҳалқали машинада йиғирилган ипнинг зўриққан-деформацияланган ҳолати бўйича ички нотекислигини камайтиришга, пишитиш учбурчагининг шакли ва ўлчамларини ўзгартириш орқали эришилган;

йиғириш камераси параметрларини ўзгартириш йўли билан пневмомеханик ипнинг механик кўрсаткичларини бошқариш имкониятлари аниқланган;

ипнинг механик характеристикаларини унинг чўзилиб буралгандаги зўриққан-деформацияланган ҳолати билан прогноз қилиш ва баҳолаш қонунийлиги исботланган;

толали пилтача энининг йиғириш камераси айланишлар частотасига ва ипнинг чизиқли зичлиги ҳамда илашиш коэффицентига боғлиқлиги аниқланган;

ҳалқали ва пневмомеханик ип структуравий тузилиши шаклланишининг шароитларини яхшилаш учун йиғириш машиналари ишчи органларининг янги конструкциялари яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

диссертация натижалари «Ўзбекенгилсаноат» ДАК тасарруфидаги «Uztex Shovot» МЧЖ қўшма корхонаси ҳамда «Elite Stars Textile» МЧЖ корхонасида жорий қилинган («Ўзбекенгилсаноат» ДАК нинг 2015 йил 21 майдаги жорий қилинганлик далолатномаси ШС-13-1300-сон). Иқтисодий самара қуввати йилига 5000 тонна бўлган йиғирув корхоналарида битта G35 русумли ҳалқали йиғириш машинасида йилига 994168 минг сўм ёки 1 кг ҳалқали йиғирилган ипга 198,8 сўм ҳамда битта TQF-268 русумли пневмомеханик йиғириш машинасида йилига 755664 минг сўм ёки 1 кг пневмомеханик ипга 151,1 сўмни ташкил этади.

Холиков Қурбонали Мадаминович: «Тукли трикотаж тўқималарининг янги турларини олиш ва маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш ҳисобига трикотажнинг сифат кўрсаткичларини ошириш», 05.06.02–тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов бериш (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Т254.

Диссертация бажарилган муассаса: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги 16.07.2013.Т.06.01 рақамли илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: М.М.Мукумов, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: С.А.Хамраева, техника фанлари доктори; Е.И.Битус, техника фанлари доктори, профессор; Р.М.Муродов, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Бухоро муҳандислик-технология институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашё асосида янги тузилишга эга бўлган тукли трикотаж тўқималарини олиш ҳисобига трикотаж тўқималарининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва трикотаж машиналарининг технологик имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган янги технологияни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

айлана икки игнадонли трикотаж машинасида ёпқичли тукли трикотаж олишнинг янги самарали усули ишлаб чиқилган;

тукли трикотаж тўқималарини ишлаб чиқаришда хомашё сарфини камайтиришнинг технологик ечимлари тавсия этилган;

протяжка ипи узайтирилган арқоқли тукли трикотаж олишнинг янги усули ишлаб чиқилган;

глад тўқимаси асосида икки томонлама тукли трикотажнинг янги тузилишлари ва тўқиш усуллари ишлаб чиқилган;

айлана игнадонли оборот машинасида икки қатламли, ҳалқалари вертикал силжитилмаган ҳосилали глад асосида, ёпқичли тукли трикотаж, ластик 2+2 тўқимаси асосида янги икки томонлама тукли трикотаж тўқима тузилиши ва тўқиш усули ҳамда икки томонлама футерли тукли трикотаж тўқимасини олиш технологиялари ишлаб чиқилган;

асос ипи сифатида йигирилган ипак ипидан, тукли ип сифатида йигирилган пахта ипидан фойдаланиб, пахта-ипакли тукли трикотаж тўқимасини олиш технологияси ишлаб чиқилган;

ҳалқа ҳосил қилиш жараёнида асос ва тукли иплар орасидаги ишқаланиш кучини ва эски ҳалқани тортиш кучини ҳисобга олган ҳолда, тукли ип таранглигининг янги ҳисоблаш усули таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

яратилган икки томонлама тукли трикотажнинг янги тузилишлари ва тўқиш усуллари, протяжка ипи узайтирилган арқоқли, айлана икки игнадонли трикотаж машинасида ёпқичли тукли трикотаж олиш усуллари асосида ишлаб чиқилган трикотаж тўқималарига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг «Бир қаватли кўндалангига тўқилган тукли трикотаж тўқимасини икки игнадонли тўқув машинасида тўқиш усули» (№ИАР 04717 – 2013 йил, №6), «Протяжкаси узайтирилган арқоқли тукли трикотаж тўқимасини олиш усули» (№ИАР 04716 – 2013 йил, №6), «Бир қаватли кўндалангига тўқилган тукли трикотаж тўқимасини икки игнадонли тўқув машинасида тўқиш усули» (№ИАР 04715 – 2013 йил, №6) ихтироларига патентлар олинган ва бу маҳаллий хомашё асосида импорт ўрнини босувчи янги маҳсулот турини яратиш имконини берган;

диссертация бўйича олинган илмий натижалар трикотаж ишлаб чиқариш корхоналарида, жумладан, «UZTEXChirchik» МЧЖ кўшма корхонаси, «RENTAL CAR SERVICE» МЧЖ корхонаси, «ALKIMTEKSTIL» МЧЖ чет эл корхонаси, «BF TEXTILE Production» МЧЖ чет эл корхоналарида тасдиқланган технологик регламент асосида жорий қилинган («Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик компаниясининг 2015 йил 23 сентябрдаги 526-сон маълумотномаси). 1000 кг йигирилган пахта ипи хомашё тежаш ҳисобига қайта ишланганда, иқтисодий самара 2015 йил нархларида 677 минг сўмни ташкил қилади.

Радкевич Мария Викторовна: «Автомобиль-йўллар комплексининг ҳаво муҳитига таъсирини баҳолаш», 11.00.05–Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Т380.

Диссертация бажарилган муассаса: Тошкент ирригация ва мелиорация институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Гидрометеорология хизмати маркази Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 16.07.2013.Г.32.01 рақамли илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: А.Т.Салоҳиддинов, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Б.И.Базаров, техника фанлари доктори, профессор; Б.А.Баҳритдинов, география фанлари доктори, профессор; А.А.Ризаев, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади йўл қопламаси ҳолати билан боғлиқ равишда «йўл-автомобиль» тизимининг атмосфера ҳавоси муҳитига таъсирини баҳолаш усулини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«йўл-автомобиль» тизимидан атмосферага чиқариладиган газларнинг мониторинги усули йўл қопламаси ҳолати ва транспорт оқими параметрлари асосида такомиллаштирилган;

автомобиль йўллари ҳолатини аниқлаш усули йўл қопламаси ҳолатига дифференциаллашув ва атроф-муҳитнинг иссиқхона захарли газлари билан ифлосланиши параметрларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

автомобиль-йўл комплексидан (АЙК) атмосферага чиқариладиган иссиқхона газларининг ялпи миқдорини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

йўл қопламаларининг текислиги, едирилишга чидамлилиги, мустаҳкамлиги ва тўшама параметрларини ҳисобга олган ҳолда йўлларнинг транспорт-эксплуатацион хусусиятлари АЙК ажратмаларини баҳолаш мезони сифатида асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

автомобиль-йўллар комплексининг ҳаво муҳитига таъсирини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

«йўл-автомобиль» тизимидан атмосферага чиқариладиган газлар мониторингнинг такомиллаштирилган усули ИҚН 105-14 «Йўл ёқасининг экологик ҳолатини баҳолаш бўйича йўриқнома» идоравий меъёрий ҳужжати таркибида тасдиқланган ва автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилишда фойдаланилмоқда («Ўзавтойўл» ДАКнинг 2015 йил 9 декабрдаги 03-3373-сон хати). Мазкур усул йўл-автомобиль тизимидан чиқариладиган иссиқхона газларининг ялпи миқдорини баҳолаш ва унинг асосида йўл ёқаси ҳудудларининг экологик ҳолатини яхшилаш бўйича манзилли чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш имконини беради;

«йўл-автомобиль» тизимидан атмосферага чиқариладиган ажратмалар миқдорини баҳолаш усули ИҚН 107-15 «Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни қуриш ва сақлашда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича мажбурий талаблар» идоравий меъёрий ҳужжати таркибига киритилган (АЙИТИнинг 2016 йил 17 мартдаги 6/2-147-сон маълумотномаси). Ушбу усул автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш асосида уларнинг атроф-муҳитга кўрсатадиган салбий таъсирини камайтириш бўйича тадбирлар самарадорлигини ошириш имконини беради.



Иқтисодиёт фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Назаров Шарофиддин Ҳакимович: «Ўзбекистон минтақалари рақобатдошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш», 08.00.12–минтақавий иқтисодиёт (иқтисодиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.1340.

Диссертация бажарилган муассаса: Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги 16.07.2013.1.03.01 рақамли илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: А.М.Содиқов, иқтисодиёт фанлари доктори.

Расмий оппонентлар: М.Абдусаломов, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор; Б.Рўзметов, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор; Е.А.Коломак, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади минтақалар рақобатдошлигини ошириш жараёнларини бошқаришнинг методологик ҳамда методик асосларини такомиллаштириш ва шу асосда Ўзбекистон минтақалари иқтисодий салоҳияти, ижтимоий капитали ва яширин рақобат устунликларидан самарали фойдаланишнинг чора ва механизмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳияти, ижтимоий капитали ва яширин рақобат устунликларидан самарали фойдаланишни аниқлаш мақсадида минтақа рақобат салоҳиятини унинг омилли ва натижавий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган;

иқтисодий ўсиш, модернизация ва диверсификация даражаси, ишбилармонлик муҳити ва иқтисодиёт очиклигининг юқори уйғунлашган коэффицентларини автоном баҳолаш ва омилларни тизимли тадқиқ қилиш орқали минтақаларнинг рақобат устунликларини иқтисодий диагностика қилиш бўйича методик ёндашувлар таклиф этилган;

минтақаларнинг имитацион ва инновацион қобилиятидан келиб чиқиб, рақобатдошликнинг устувор омилларини аниқлаш имконини берувчи иқтисодий ривожланиш асимметрияси ва унинг минтақалар рақобатдошлигига таъсирини баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган;

турли хил жараёнлар ва ҳолатлар, бошқариладиган ва ўз-ўзини ташкил қилувчи омилларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этишнинг янги концептуал схемаси асосида минтақа рақобатдошлигини ошириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли вазифаларни амалга оширишнинг тизимли чора-тадбирлари таклиф қилинган;

стратегик бошқариш, мониторинг ва координация қилиш бўйича вазифаларни тизимлаш орқали минтақа рақобатдошлигини ошириш жараёнларини бошқаришнинг ташкилий-функционал схемаси таклиф қилинган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

минтақалар рақобатдошлиги, иқтисодий эркинлаштириш ва модернизация қилиш кўламли, минтақалардаги ишбилармонлик муҳити даражаси ҳамда миллий иқтисодий ҳудудий мувозанатини баҳолаш бўйича тадқиқотнинг методик ва амалий натижаларидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг 2012, 2013 ва 2014 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якуналари бўйича таҳлилий маърузалар тайёрлашда фойдаланилган (Иқтисодий вазирлигининг 2015 йил 22 майдаги ТД-2-1/10-440-сонли маълумотномаси). Таклиф қилинган чора-тадбирлар ва механизмлар минтақаларнинг иқтисодий ўсишида омилларнинг салбий таъсирини камайтириш, рақобатдошликни ошириш салоҳияти, устунликлар ва бу борада мавжуд захиралардан самарали фойдаланиш имконини берди.

минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиялари ва дастурларини шакллантириш бўйича методик ёндашувлар Андижон, Сурхондарё, Хоразм, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасини 2030 йилгача ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияларини, Жомбой ва Мўйноқ туманларини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий базасини ишлаб чиқишда қўлланилди (Иқтисодий вазирлигининг 2015 йил 22 майдаги ТД-2-1/10-440-сонли маълумотномаси). Таклиф этилган вазиятни таҳлил қилиш ва ҳудудий стратегик режалаштириш элементлари минтақа ривожланишининг узоқ муддатли чора ва механизмларини ишлаб чиқишда маҳаллий бошқарув органларининг функцияларини такомиллаштириш ва вазифаларини аниқлаштириш, ишлаб чиқаришнинг юқори технологик турлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш имконини берди ҳамда уларнинг иқтисодий ўсишдаги ҳиссаси (Андижон вилояти мисолида) 0,3–0,5 фоизни ташкил қилди.

Прогноз қилиш бўйича эконометрик модел Ўзбекистоннинг 14 та минтақасини 2015–2017 ва 2016–2019 йилларда ҳамда 2030 йилгача иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларининг прогноз сценарийларини тузишда қўлланилди (Иқтисодий вазирлигининг 2015 йил 22 майдаги ТД-2-1/10-440-сонли маълумотномаси). Ушбу жараёнда стохастик ва ўз-ўзини ташкил қилувчи омилларнинг салбий таъсирини камайтириш ҳисобига прогнозлар тузиш сифатини оширишга эришилди. Эндоген омиллар ва аниқланган яширин рақобат устунликларини баҳолаш омилларнинг ялпи унумдорлиги (TFP) ва минтақаларнинг аниқланган нисбий устунликларини (RCA) ифода этувчи параметрлардан фойдаланиш ҳисобига ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар сифатини яхшилаш имконини берди.

Санакулова Барногул Ризакуловна: «Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш», 08.00.07–молия. Бухгалтерия ҳисоби (иқтисодий фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.133.

Илмий маслаҳатчи: А.В.Ваҳобов, иқтисодий фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса: Тошкент молия институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги 16.07.2013.1.31.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Ш.А.Тошматов, иқтисодий фанлари доктори, профессор; О.К.Иминов, иқтисодий фанлари доктори, профессор; О.Қ.Абдурахмонов, иқтисодий фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодий университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш орқали мамлакатимизда эришилаётган барқарор иқтисодий ўсишнинг узлуксизлигини таъминлашга йўналтирилган илмий-услубий ва амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сўнгги йилларда ягона солиқ тўлови бўйича жорий этилган энг кам меъёрий миқдорларнинг янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятига таъсир доираси баҳоланган;

жорий этилган энг кам меъёрий миқдорларнинг янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятига таъсир доирасини камайтириш

мақсадида тадбиркорлик фаолиятининг дастлабки олти ойи давомида мазкур меъёрларни қўллаганлик бўйича амалий таклифлар асослаб берилган;

улгуржи ва чакана савдони амалга оширувчи савдо корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкасини унификация қилиш бўйича таклифлар асослаб берилган;

амалдаги солиққа тортиш тартиблари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, кичик тадбиркорлик субъектларида солиқ юки даражасини оптималлаштириш бўйича солиқ менежменти тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш масалаларига бағишланган илмий-тадқиқот ишининг натижалари асосида:

янгидан ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларида ягона солиқ тўлови ва ягона ижтимоий тўловни ҳисоблашда давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб, олти ой давомида энг кам миқдорларни жорий этмаслик таклифи солиққа тортиш амалиётига татбиқ этилган (Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 5 майдаги 01/4-8511-сон далолатномаси). Ушбу таклиф 2015 йилнинг биринчи чорак маълумотларига кўра, республика бўйича янги ташкил этилган 17 мингта кичик корхонада қўлланилиб, қўшимча маблағларнинг мазкур субъектлар тасарруфида қолдирилиши ва фаолиятларини ривожлантириш учун қайта инвестиция қилинишига замин яратган;

улгуржи ва чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи савдо корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкасини унификация қилиш таклифи амалий фаолиятга жорий этилган (Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 5 майдаги 01/4-8511-сон далолатномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш натижасида бюджетга қўшимча маблағлар тушишига ҳамда улгуржи ва чакана савдони амалга оширувчи кичик корхоналар фаолиятини мувофиқлаштиришга эришилган;

кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятида солиқ менежменти тадбирларининг қўлланиши натижасида корхона зиммасидаги солиқ юки даражаси ўтган йилга нисбатан 2,5 фоизли пунктга пасайган (МЧЖ шаклидаги «Karmana gips mahsulotlari» Ўзбекистон–Канада қўшма корхонасининг 2015 йил 16 апрелдаги 5-113-сон далолатномаси);

«Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш» фани бўйича дарслик олий таълим тизимига жорий этилган (ISBN 978-9943-13-478-2).

Абдурахманова Гулнора Каландаровна: «Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамойлари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш», 08.00.10–демография. Меҳнат иқтисодиёти (иқтисодиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.177.

Илмий маслаҳатчи: З.Я.Худойбердиев, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса: Тошкент давлат иқтисодиёт университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги 16.07.2013.1.03.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: М.Л.Турсунходжаев, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор; А.А.Исажанов, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор; Р.А.Гилахметов, иқтисодиёт фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади кичик бизнес субъектларида «муносиб меҳнат» концепцияси асосида аҳолини иш билан таъминлашни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-услубий ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёшларни ишга жойлаштириш сифати, самараси ва касбий рақобатбардошлик даражасини ошириш мақсадида квоталанган иш жойларини ташкил этиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

макро ва микро даражадаги меҳнат кўрсаткичларини халқаро стандартлар асосида ҳисоблаш ва қиёслашга йўналтирилган «Кичик бизнес соҳасида муносиб меҳнат индикаторлари номенклатураси» ва «Муносиб меҳнат индикаторларини баҳолаш методикаси» ишлаб чиқилган;

муносиб меҳнат концепцияси тамойиллари асосида рақобатбардош бўлмаган аҳоли қатламлари учун кичик бизнес субъектларида виртуал иш жойларини ташкил этиш иш билан таъминлашнинг самарали ва тезкор воситаси экани асослаб берилган;

кичик бизнес соҳасида инновацион меҳнат фаолияти ва йирик корхоналар негизида ички тадбиркорлик тизимини ривожлантиришда муносиб меҳнат тамойилларидан фойдаланиш асосида юқори унумли иш ўринларини ташкил этиш таклифи асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

квоталанган иш жойларини ташкил этиш механизминини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар тегишли равишда ратификация қилинган Муносиб меҳнат бўйича «2014–2016 йилларга мўлжалланган дастурда» фойдаланилган (Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг 2016 йил 11 январдаги ТН-05/38-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар янги иш жойларини ташкил қилиш ва ёшларни ишга жойлаштириш сифатини ошириш ва тегишли ижтимоий-иқтисодий самарага эришиш имконини берган;

«Кичик бизнес соҳасида муносиб меҳнат индикаторлари номенклатураси» ва «Муносиб меҳнат индикаторларини баҳолаш методикаси» Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (МАИМҚВ) томонидан амалий фаолиятда фойдаланилган (МАИМҚВнинг 2016 йил 14 январдаги 02-07/125-сон маълумотномаси). Таклиф этилган услубий аппаратдан фойдаланиш натижасида макро ва микро даражада меҳнат меъёрларига янада мувофиқлаштиришга хизмат қилади;

виртуал иш жойларини ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар МАИМҚВ аҳолини иш билан таъминлашга оид 2014–2016 йилларга мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (МАИМҚВнинг 2016 йил 14 январдаги 02-07/125-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлардан фойдаланиш аҳолини, айниқса, ёшларни ва рақобатбардош бўлмаган аҳоли қатламларини иш билан таъминлашга муайян даражада хизмат қилган;

кичик бизнес соҳасида инновацион меҳнат фаолиятини қўллаш юзасидан олинган натижалар «Ўзфармсаноат» ДАК тизимига, жумладан, «Lahisam» МЧЖ, «Само» МЧЖ ҳамда «Зиё нур фарм» ва «Иммуномед» хусусий корхоналарига жорий қилинган («Ўзфармсаноат» ДАК 2015 йил 3 апрелдаги МД-6/496-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида соҳада меҳнат фаолиятини инновацион тамойиллар асосида ташкил қилиниши натижасида 493 млн.сўмлик иқтисодий самара олинган.



Тиббиёт фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Любчик Наталья Ивановна: «Тромбофилияда мударидан олдин содир бўлувчи туғуруқларнинг патогенетик хусусиятлари (ташхислаш ва профилактика мезонлари)», 14.00.01–акушерлик ва гинекология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Tib320.

Илмий маслаҳатчи: С.Н.Султанов, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса: Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги 16.07.2013.Tib.18.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: З.С.Ходжаева, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Ж.Е.Пахомова, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Т.У.Арипова, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Этакчи ташкилот: «Д.О.Отт номидаги Акушерлик, гинекология ва репродуктология илмий-тадқиқот институти» федерал давлат бюджет ташкилоти (Санкт-Петербургда).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади мударидан олдинги туғуруқлар ривожланиш механизмида қон ивиш тизими генларининг полиморфлиги ролини аниқлаш, башоратлашда хавф омилларининг аҳамиятини баҳолаш ва патогенетик асосланган профилактика тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

муддатидан олдинги туғуруқ ривожланиш хавфига FVG 1691A+MTHFR C677T генотипларини биргаликда ташувчанликнинг юқори даражада таъсир этиши аниқланган;

аёлларда муддатидан олдинги туғуруқ детерминациясида MTHFR генининг C677T гомозигота генотипи муҳим омил экани ҳамда муддатидан олдин туққан аёлларда тромбофилия частотаси ва уларнинг структураси аниқланган;

тромбофилияли аёлларда муддатидан олдинги туғуруқнинг ривожланиш механизмида она-плацента-ҳомила тизимидаги микроциркуляция ва гемостаз тизимидаги бузилишлар етакчи ўрин тутиши ҳамда бу фетоплацентар етишмовчилик ривожланишига ва ҳомиладорликнинг муддатидан олдинги туғуруқ билан якун топишига олиб келиши исботланган;

тромбофилияда муддатидан олдинги туғуруқни башоратлаш меъзонлари, тромбофилияда ҳомиладорликни олиб бориш алгоритми ҳомиладорликнинг ушбу асоратининг олдини олишга доир патогенетик ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

«Муддатидан олдин туғуруқни башорат қилиш усули» бўйича Ўзбекистон Республикасининг ихтирога патенти олинган (№IAP 20150358, 21.09.2015й.). Ушбу усул тромбофилияда муддатидан олдинги туғуруқлар патогенетик ташхиси ва олдини олиш сифатини оширишга имкон берган;

тромбофилияда муддатидан олдин содир бўлувчи туғуруқларнинг патогенетик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар «Муддатидан олдин туғуруқлар ривожланишида тромбофилиянинг роли» услубий тавсиялари асосида соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Акушерлик ва гинекология РИИАТМ, Республика перинатал маркази ва Жиззах, Чирчиқ, Андижон, Бухоро, Навоий ҳамда Сирдарё вилоят перинатал марказлари, Тошкент шаҳридаги 9-, 5-, 8-, 6-сонли туғуруқ мажмуалари фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 19 январдаги 6-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ҳомиладорлик ва туғуруқларнинг кечишини сезиларли яхшилаш ҳамда муддатидан олдинги туғуруқлар ва уларнинг асоратлари частотасини 24,6 фоизга камайтириш имконини берган.

Хамракулова Мукаддасхон Аскарвна: «Пире-троид гуруҳига мансуб пестицидларнинг организмга таъсири метаболик жараёнларини коррекциялашнинг гигиеник жиҳатлари ва услубий асослари», 14.00.07–гигиена (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Тиб378.

Илмий маслаҳатчи: Г.Т.Искандарова, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса: Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги 16.07.2013.Тиб.17.03 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Момоко Тиба, тиббиёт фанлари доктори, профессор; К.Б.Фридман, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Л.А.Пономарева, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Бранденбург технология ва инновацияларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш институти (Германия).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади пиретроидлар гуруҳига мансуб пестицидларни оптимал ва юқори ҳаво ҳароратида организмга таъсирини аниқлаш, патогенетик даво усулларини ишлаб чиқиш ҳамда захарланишни эрта ташхислаш, даволашда биологик фаол моддаларни қўллаш ва юқори ҳаво ҳарорати шароитида пестицидларнинг қўлланишида гигиеник меъёрларни ўзгартириш бўйича тегишли таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юқори ҳарорат ва пестицид-пиретроидларнинг биргаликдаги таъсирида молекуляр, хужайра, субхужайра, тўқима ва аъзоларда, жигар ва ингичка ичак органоидларидаги биологик жараёнларнинг бузилиш механизми аниқланган;

юқори ҳарорат ва пестицид-пиретроидларнинг биргаликдаги таъсир кўрсатиш механизмининг ўзаро боғлиқлиги организмда метаболик жараёнларнинг ўзгариши пестицид турига ва иқлим омилларига боғлиқлик даражаси исботланган;

биокимёвий тестлар мажмуасини қўллаш натижасида биринчи марта пестицидларнинг пиретроид гуруҳи ва ҳавонинг юқори ҳарорати таъсирида метаболик

силжишларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги, кечаётган жараёнларнинг тезлашиши ва жадаллашуви аниқланган;

пестицид моддаларнинг зарарсизлаштириш, патогенетик профилактикаси ва метабolik жараёнларни тартибга солиш билан даволаш усуллари исботлаб берилган;

ҳавонинг юқори ҳарорати ва пестицидларнинг организмга таъсирини эрта кўринишида ташхис қўйишнинг янги усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

пиретроид пестицидлардан заҳарланишнинг олдини олиш ва организмга таъсирини баҳолаш ва камайтиришга йўналтирилган илмий натижалар бешта услубий қўлланма асосида соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази тизимида, Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг клиникаси амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 13 январдаги 8Н-3/36-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг жорий қилиниши пестицидлардан сурункали заҳарланган касб фаолиятига оид касаллар меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасининг 10–20 фоиз ва ўз навбатида II гуруҳ ногиронлигидан III гуруҳга ўтказилиш имконини яратган, ҳар бир беморнинг шифохонадаги ўрин кунини 20 фоиз ва меҳнатга яроқсизлик муддатини 25 фоизга қисқартириш имконини берган («Пиретроид гуруҳидаги пестицидлар билан ишловчи шахсларда заҳарланишнинг илк белгиларини аниқлаш учун даврий тиббий кўрикда биокимёвий текширув усуллардан фойдаланиш», « α -кетоглутар кислота билан тўқима циклик аминокислоталарни переаминлашни аниқлаш усули ёрдамида пиретроид гуруҳи пестицидлардан заҳарланишни ташхислаш», «Децис пестициди билан заҳарланишнинг илк белгиларини аниқлаш учун метабolik жараёнлардаги биоэнергетик ўзгаришларни аниқлаш усулларини қўллаш», «Циперфос пестициди билан заҳарланганда биокимёвий жараёнларнинг кечиш хусусиятлари, биологик фаол моддалар билан даволаш ва олдини олиш усулларини асослаш», «Организмга пиретроид пестицидларнинг (циперфос, циперметрин, цигалотрин ва суми-альфа) таъсир механизми, наъматак меваси қайнатмаси, липой кислота ва пиридоксинни қўллаш ёрдамида даволаш ва профилактик усуллари»).

Нурматова Наргиза Фатхуллаевна: «Болаларда сурункали гепатит В ва лямблиоз инвазияси: ўзаро таъсири, ташхис ва даволаш усулларини такомиллаштириш», 14.00.09–педиатрия (тиббийёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Тиб206.

Илмий маслаҳатчи: Ф.И.Иноятова, тиббийёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса: Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббийёт маркази.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент педиатрия тиббийёт институти ҳузуридаги 16.07.2013.Тиб.18.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппенентлар: Л.Н.Туйчиев, тиббийёт фанлари доктори, профессор; Ф.С.Шамсиев, тиббийёт фанлари доктори, профессор; С.О.Осипова, тиббийёт фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: «Болалар инфекцияси илмий-тадқиқот институти федерал тиббий-биологик агентлиги» федерал давлат бюджет ташкилоти (Санкт-Петербург).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда сурункали гепатит В нинг клиник-лаборатор кўрсаткичларига лямблиоз инвазиясининг таъсирини ўрганиш ва ичак микробио-ценози коррекциясида индивидуал ёндошиш билан лямблияга қарши терапияни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали гепатит В билан оғриган болаларда *G.lambliа* ни аниқлашнинг замонавий ташхислаш тестларининг информативлиги: ПЗР усулида DNA *G.lambliа*- ни ва иммунофлуоресценция усулида фекалийда специфик антигенни аниқлаш кўрсатиб берилган. Сурункали гепатит В билан оғриган болаларда лямблиоз инвазияси активациясининг диагностик аҳамиятга эга бўлган мезонлари аниқланган;

сурункали гепатит В ва ичак лямблиози билан оғриган болаларда вирусли-паразитар инфекциясида касалликнинг клиник-биокимёвий хусусиятлари кўрсатилган бўлиб, бунда касалликнинг жадал зўрайиши ҳамда сурункали гепатит В клиник-биокимёвий синдромларининг узок вақт давом этиши билан характерланган;

ичак лямблиозига хос бўлган шартли-специфик симптомлар аниқланган бўлиб, терида депигментацияланган соҳаларнинг мавжудлиги, қорин ёлдираши, оғиз бурчаклари атрофининг бичилиши, бруксизм ва энурез ҳолати билан кечиши аниқланган;

сурункали гепатит В билан оғриган болаларда *G.lambliа* нинг организм сенсibiliзацияси ривожланишидаги иштироки *G.lambliа* антигенига бўлган антиген боғловчи лимфоцитлар ҳолати ўрганилиб, у лямблиоз инвазияси билан сурункали гепатит В ривожланишининг патогенетик механизмидаги сенсibiliзация ва аутосенсibiliзация роли кўрсатилган;

қўшма вирусли-паразитар инфекцияда гепатотоксиклиги кам бўлган ва самарали антипаразитар Нифурател препарати билан лямблияга қарши даволашнинг самарадорлиги кўрсатилган;

сурункали гепатит В билан оғриган болаларда ичак микрофлорасининг сифат ва миқдорий жиҳатидан ўзгариши, ичак дисбактериозининг ривожланишида лямблиоз инвазиясининг аҳамияти аниқланган. Бунда ичак микробиоценозида бифидо-, лактобактериялар, типик ичак таёқчаларнинг камайиши ёки йўқлиги билан бирга, замбуруғ-стафилококкли симбиоз ривожланиши, организмда эндотоксик моддаларнинг йиғилиши ва гепатоцитларнинг шикастланишига олиб келиши ҳамда ўзаро бир-бирини оғирлаштирувчи патологик жараёнлар ривожланиши аниқланган.

илк бор сурункали гепатит В билан оғриган болаларда *in vitro* тести орқали бузилган ичак микробиоценози коррекциясини самарали ўтказишга имкон берувчи организм индивидуал сезгирлигини баҳолаш усули ишлаб чиқилган. Ушбу тестнинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

сурункали гепатит В билан оғриган бемор болаларда ҳамроҳ лямблиоз инвазиясини эрта аниқлашда қўлланиладиган самарали замонавий диагностика усуллари, қўшма вирусли-паразитар инфекцияда самарали антипаразитар даволаш усули ва бузилган ичак микробиоценози коррекциясини организмнинг индивидуал сезгирлигини баҳолаш орқали самарали ўтказишга имкон берувчи янги усуллари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, РИПИАТМ клиникаси, Жиззах ва Навоий вилоятлари болалар юқумли касалликлар шифохонаси, Тошкент вилояти Зангиота тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси амалиётига татбиқ қилинган. Таклиф қилинган усул асосий касалликнинг стабилизациясига эришишига (60 фоиз) ва жигарда патологик жараённинг регрессига (сурункали гепатит В кучли ифодаланган шакллариининг ўртача шаклга ўтиши 12 фоиз ва ўртача шакллариининг минимал шаклга ўтиши 20 фоиз ҳолатларда ва биронта ҳам беморда касалликнинг зўраймаслигига) имкон берди ҳамда жигар циррози ва гепатоцеллюляр карцинома каби салбий яқун топишининг олди олинди, бу эса бемор болалар ҳаёт сифатининг яхшиланишига олиб келди. Бунда беморларнинг шифохонада бўлиш вақти 5,6 ўрин-кунга қисқарган, шунингдек медикаментоз давога кетган сарф-харажатлар камайган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 12 январдаги 8Н-з/35-сон маълумотномаси).

Пулатова Рушания Захидовна: «Кичик ёшдаги болаларда сепсиснинг клиник кечишида иммунитет тизимлараро регуляциясининг қонуниятлари», 14.00.09–педиатрия (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Тиб398.

Илмий маслаҳатчи: О.С.Махмудов, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса: Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги 16.07.2013.Тиб.18.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: М.В.Дегтярева, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Ф.С.Шамсиев, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Т.У.Арипова, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: И.П.Павлов номидаги Давлат тиббиёт универститети, Санкт-Петербург.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади кичик ёшдаги болаларда сепсиснинг клиник кечиши ва оқибатлари, прогнозини белгиловчи иммунитетнинг тизимли бошқарув қонуниятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба сепсиснинг ўнта қўзғатувчисига спонтан ва специфик лимфотоксинларни аниқлаш усули ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг нисбатини аниқлаш асосида иммунитет тизимидаги медиаторли дисбаланснинг уч тури ажратиб олинган;

сепсис билан касалланган кичик ёшдаги болалар иммунитет тизимининг касаллик клиник кечиши ва якунини белгилаб берувчи медиаторли дисбаланс турига боғлиқлиги аниқланган;

кичик ёшдаги болаларда сепсисни даволаш самарадорлигини баҳолашда лимфотоксинларни аниқлашнинг диагностик аҳамияти исботланган;

кичик ёшдаги болаларда инфекцияли жараён тарқалишининг клиник-лаборатор мезонлари ҳамда турли яллиғланишга қарши цитокинлар нисбати, шунингдек бактериемия даражасини тизимли баҳолаш асосида сепсиснинг клиник кечиши ва оқибатларини прогнозлаш имконияти аниқланган;

кичик ёшдаги болаларда медиатор дисбаланс вариантини аниқлашга асосланган сепсисни даволаш динамикасида объектив баҳолаш усуллари ва самарадорлигини прогнозлаш усулларида фойдаланиб, иммунитет тизими кўрсаткичларини коррекциялашга йўналтирилган патогенетик асосланган, дифференциал даволаш схемалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

сепсис қўзғатувчиларига нисбатан яллиғланишнинг специфик медиаторлари кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда этиологик ташхислашнинг ўтказилаётган даво самарадорлигини баҳолаш усули (№ИАР 03260, 18.12.2006 й.) ҳамда септик жараён ривожланишида инфекция генерализациясини ўз вақтида аниқлаш ва касаллик оқибатини прогнозлаш имконини берувчи клиник-лаборатория мезонларига (№ИАР 03347, 23.04.2007 й.) Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ихтиро патенти олинган. Мазкур усуллар Бухоро вилояти болалар юқумли касалликлар шифохонаси ҳамда Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётга татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 17 декабрдаги 8Н-3/28-сон маълумотномаси). Улар кичик ёшдаги болаларда сепсис касаллигини ташхислаш-даволаш тактикасини янада яхшилаш имконини берди, шу билан бирга иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан кам сарф-харажат қилиб, даволаш самарадорлигининг ошишига, беморни шифохонага ётқизирилишининг 21 фоиз камайиши ва ўрин кунлари 1,5 кун қисқаришига, касаллик ремиссия даврининг узайиши ва салбий оқибатларнинг камайишига олиб келди.

Мирсаидова Муниса Абдушукуровна: «Бачадон бўйни саратон олди касаллик-ларида айрим жинсий йўл орқали юқувчи инфекцияларнинг аҳамияти, комплекс даволаш усулини ишлаб чиқиш», 14.00.11–дерматология ва венерология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Тиб47.

Илмий маслаҳатчи: Ш.И.Ибрагимов, тиббиёт фанлари доктори.

Диссертация бажарилган муассаса: Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги 16.07.2013.Тиб.18.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппенентлар: М.А.Юлдашев, тиббиёт фанлари доктори, профессор; М.Х.Каттаходжаева, тиббиёт фанлари доктори, профессор; З.С.Камалов, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Новосибирск давлат тиббиёт университети.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади айрим жинсий йўл орқали юқувчи инфекциялари (ЖЙОЮИ) бўлган аёлларда бачадон бўйни саратон олди касалликларининг комплекс даволаш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор айрим жинсий йўл орқали юқувчи инфекциялар, жумладан, *Ur.Urealyticum*, *Mycoplasma hominis*, *Chl.Trachomatis*нинг бачадон бўйни дисплазияси, эрозияси ва лейкоплакияси каби бачадон бўйни саратон олди касалликларининг шаклланиши ва авж олишидаги ўрни аниқланган;

колпоскопик ва цитологик таҳлиллар асосида бачадон бўйни саратон олди касалликларининг клиник шакллари билан бирга келганда айрим фарқлари борлиги исботланган;

илк бор айрим ЖЙОЮИ (уреаплазмоз, хламидиоз) билан кечувчи саратон олди касалликларининг биопатларида бачадон бўйни шиллиқ қаватида хужайра қаторида сезиларли бузилишлар аниқланган, булар йирик ядроолди ҳосилаларнинг пайдо бўлиши, хужайралар митотик активлигининг ошиши, шиллиқ ости қаватини бириктирувчи тўқимасининг яққол дезорганизацияси орқали морфологик жиҳатдан асосланган;

онкостатик интерлейкинлар ИЛ-6, ИЛ-8, ФНО- α миқдорини аниқлаш орқали хужайрали ва гуморал иммунитет ҳолати таҳлиliga кўра ЖЙОЮИ билан бирга келадиган саратон олди касалликлари бўлган беморларда ушбу кўрсаткичларда чуқур бузилишларнинг мавжудлиги аниқланган;

клиник, иммунологик, морфологик ва цитологик текширув натижаларига асосланиб, анъанавий даволашга иммунокорректор «Лавомакс» ва маҳаллий эпителизацияни яхшиловчи дори воситалари – «Депантол» шамчаси ва «Фарфиун» мойини комплекс ёндашган ҳолда қўллаб, инвазив бўлмаган даволаш усули таклиф қилинган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

аёлларда ЖЙОЮИ билан кечувчи бачадон бўйни саратон олди касалликларини самарали ташхислаш ва даволаш усуллари бўйича олинган илмий натижалар «Бачадон бўйни саратон олди касалликларининг клиник-микробиологик жиҳатлари (клиникаси, ташхислаш ва даволаш)» услубий қўлланмаси асосида соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Тошкент шаҳар Учтепа ва Яшнобод тумани тери-таносил касалликлари диспансерлари амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 16 январдаги 8 Н-р/375-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг жорий қилиниши мазкур касаллик билан оғриган беморларнинг стационарда бўлиш даврини 2–4 кунга қисқартириш имконини берган. Ишлаб чиқилган даволаш усули бачадон бўйни саратон олди касалликларининг жуда хавфли шакллариға ўтиши олдини олиш ва касаллик қайталанишини камайтириш имконини яратган.

Абдуллаева Наргиза Нурмаатовна: «Қарияларда ва кексалардаги эпилепсия ва эпилептик пароксизмлар. Этиопатогенетик тизими ва даволаш масалалари», 14.00.13–неврология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Тиб224.

Илмий маслаҳатчи: Б.Г.Гафуров, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса: Самарқанд давлат тиббиёт институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги 16.07.2013.Тиб.19.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Г.Р.Табеева, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Ё.Н.Маджидова, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Х.М.Халимова, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Қозоғистон миллий тиббиёт университети.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади қария ва кексаларда эпилепсия касаллигининг тарқалиши, клиник-нейрофизиологик ўзига хос хусусиятлари ва даволаш тактикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қария ва кекса ёшдаги беморларда эпилепсиянинг этиопатогенетик структураси ва клиник-нейрофизиологик хусусиятлари аниқланган;

қария ва кекса ёшдаги беморларда эпилепсия ривожланишининг ёшга оид хусусиятлари исботланган;

охирги авлодга мансуб антиконвульсантларнинг фармакодинамикасидаги статистик ишонарли фарқлар терапевтик кекса ва ёш беморларда дори мониторинги маълумотлари негизида исботланган;

илк бор қария ва кекса ёшдагиларда эпилепсия кечишининг ёндош соматик патологиялари (юррак-қон томир етишмовчилиги, бронх-ўпка патологияси ва б.) билан боғлиқлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

тутқаноқ касаллигини қария ва кекса ёшдаги беморларда самарали даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётга, жумладан, Самарқанд вилоят ва шаҳар шифохоналари неврология бўлимлари, Самарқанд давлат тиббиёт институти клиникаси, Республика шошилинич тез тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали фаолиятига жорий қилинган. Қария ва кексаларда тутқаноқ касаллигида

антиконвульсантларнинг қондаги миқдорини аниқлаш (плазмоконцентра-цияси) натижасида дорилар дозасини индивидуал танлаш усули хуружлар сонини 30 фоизга камайтирди, беморлар соғайишининг турғун ремиссияси 35 фоизни ташкил қилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 16 декабрдаги 8Н-г29-сон ва 2015 йил 27 октябрдаги 8Н10-сон маълумотномалари).

Полатова Джамила Шагайратовна: «Остеоген саркомали беморларнинг диагностикаси ва даволашда молекуляр-биологик ва генетик маркерларнинг аҳамияти», 14.00.14 – онкология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Тиб427.

Илмий маслаҳатчи: С.Н.Наврұзов, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса: Республика онкология илмий маркази.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги 16.07.2013.Тиб.20.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: М.Д.Алиев, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Т.А.Арипова, тиббиёт фанлари доктори, профессор; А.В.Ходжаев, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Н.Н.Александров номи Республика онкология ва тиббиёт радиологияси илмий-амалий маркази (Минск, Беларусь Республикаси).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади остеосаркома ўсмасининг ривожланиш механизмини тавсифловчи молекуляр-биологик ва генетик маркерлар ўзгаришини аниқлаш, касалликни ташхислаш ва даволашда уларнинг ролини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор остеосаркома (ОС) кечишига таъсир этувчи, ўсма ва организмнинг хусусиятларини тавсифловчи омиллар, прогнози бўйича салбий бўлган хромосоманинг ностабиллик даражаси дискриминациядан юқори бўлган кўрсаткичи аниқланган;

ўсма ривожланишининг прогрессивлашуви, ўсма дифференциацияси ва патоморфозининг қуйи даражаси, ўсма ҳажмининг катталашуви ва хондробластик гистологик вариант билан боғлиқ ҳамда хромосома ностабиллигининг юқори даражасида бўлган беморларнинг умри нисбатан қисқариши аниқланган;

osteосаркомали беморларда экспрессиялар профили (молекуляр-генетик фенотип), яъни хромосома ностабиллиги, апоптоз ва пролиферация биомаркерлар экспрессиясининг юқори даражаси (mtp53⁺, Ki-67⁺) эрта метастазлашув ва эрта рецидивлар пайдо бўлишининг нохуш омиллари экани аниқланган;

патоморфознинг қуйи даражаси, беморлар умри давомийлиги, (G₃) дифференциациялашувининг қуйи даражаси, ўсма ҳажмининг катталашуви, остеосаркоманинг хондробластик варианты билан боғлиқлиги аниқланган;

илк бор ангиогенез ривожланишига боғлиқ бўлмаган ҳолда остеоген саркоманинг жадаллашув хусусиятлари кўрсатилган, бирламчи остеосаркомаларда VEGF-A экспрессияси, ўсма тўқимасида маҳаллий томирлар қалинлашуви, ўпкада метастаз ривожланиши ва нохуш оқибатли башорат билан коррегирлашуви аниқланган;

илк маротаба остеосаркомали беморларда даволашдан олдин эндостатин, ФРФ-1, ФРФ-2 нинг таркиби касаллик клиник тавсифига ва башоратлашга нақадар боғлиқлигини аниқлаш учун ўрганилди, ФРФ-1 ва эндостатин экспрессияси суякда ўсма ўсиши билан боғлиқ патогенетик ўзгаришларга алоқадорлиги аниқланган;

иммунитетнинг чуқур Т-хужайравий етишмовчилиги ва гуморал бўғини фаоллашуви билан кечадиган иммунтанқислик ҳолати остеосаркомали беморларда хавфли ўсма жараёни жадаллашувини эрта ташхислаш имкониятини бериши аниқланган;

osteоген саркомада – иммунопролиферация синдромида яллиғланишга хос ва қарши цитокинларнинг жавоб қайтариш хусусиятлари ўрганилди, IL-6 миқдорининг кўпайиши остеосаркомада ўсма ривожланиш жараёни жадаллашувини ташхислаш учун асос экани аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

osteосаркома ўсмаси касаллигини даволашни оптималлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган усуллар (учта услубий тавсиянома, иккита рационализаторлик таклифи) соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика онкология илмий маркази, Тошкент шаҳар онкология диспансери, Тошкент вилояти онкология диспансери ва Бухоро вилоят онкология диспансери амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016

йил 10 февралдаги 8Н-3/41-сон маълумотномаси). Натижаларнинг жорий қилиниши ўсма метастази ва рецидивлари частотасини қисқартириш, бемор умрининг давомийлигини узайтириш ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини берган.

Пулатова Наргиза Ихсановна: «Яра касаллигини иккинчи қатор схемалар билан даволаганда агрессив ва ҳимоя омилларининг ўзаро таъсири», 14.00.17 – фармакология ва клиник фармакология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Tib435.

Илмий маслаҳатчи: А.В.Якубов, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса: Тошкент тиббиёт академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги 16.07.2013.Tib.17.02 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Чой Ки Дон, тиббиёт фанлари доктори, профессор; И.И.Сиротко, тиббиёт фанлари доктори, профессор; А.В.Фозилов, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Чоннам миллий университети (Жанубий Корея).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади иккинчи қатор схемалари ва улар компонентларининг гастродуоденал соҳада агрессив ва ҳимоя омилларига таъсири ҳамда самарадорлиги юқори бўлган схемаларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор меъда қиёсий йўналишда меъда шиллиқ қаватидаги тажрибавий ярада иккинчи қатор препаратлари ҳамда схемаларининг агрессив ва ҳимоя омилларига таъсир этувчи фармакодинамик эффектлари кўрсатилган;

илк бор омепразол, де-нол, амоксициллин, тетрациклиндан иборат квадритерапия ва омепразол, амоксициллин, тетрациклиндан иборат учлик терапия схемалари қўлланилганда, препаратларнинг ўзаро ижобий таъсири ҳамда омепразол, де-нол, тетрациклин, метронидазолдан иборат квадритерапия ва омепразол, амоксициллин, фуразолидондан иборат учлик терапиянинг агрессия ва ҳимоя омилларига салбий таъсири аниқланган;

илк бор беморларда цитопротекция ва регенератор жараёнларнинг ўзига хослиги хеликобактер ассоциациясига боғлиқлиги аниқланган;

илк бор хеликобактер инфекцияси мавжуд беморларда шиллиқ қават синтезининг бузилиши фукоза миқдорининг камайиши, регенератор жараёнларнинг бузилиши эса боғланган оксипролин етишмовчилиги билан характерланиши ва касалликнинг оғирлик даражасига боғлиқлиги исботланган;

илк бор касалликнинг қайталаниш частотаси ва Н. рylogi мавжудлигини аниқлашнинг диагностик мезонлари тавсия қилинган;

илк бор омепразол, де-нол, амоксициллин, тетрациклиндан иборат иккинчи қатор стандарт квадритерапия схемаси ҳимоя шиллиқ қавати синтези ва регенерациянинг бузилган механизмларига самарали таъсир кўрсатиши натижасида яранинг чандиқланиш кўрсаткичини ошириши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

«Меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигини даволашга замонавий ёндашув» услубий қўлланмаси соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникаси, Республика ихтисослашган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 11 январдаги 84-3/34-сон маълумотномаси). Бунда амалий шифокорларга Маастрихт III келишувида тавсия этилган иккинчи қатор схемалардан самарадорлиги юқорисини танлаш имкони пайдо бўлди, тавсия этилган даво схемасининг тиббий самарадорлиги 18 фоизга юқорилиги аниқланди.

Шигакова Фания Анваровна: «Опий гиёҳвандликнинг гендер хусусиятида шаклланиш жараёни, ривожланиши, кечиши ва реабилитация тадбирларни ишлаб чиқиш», 14.00.18 – психиатрия ва наркологиya (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Tib242.

Илмий маслаҳатчи: Н.И.Ходжаева, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса: Тошкент тиббиёт академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги 16.07.2013.Tib.19.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Ю.П.Сиволап, тиббиёт фанлари доктори, профессор; У.Х.Алимов, тиббиёт фанлари доктори, профессор; М.Л.Аграновский, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Н.И.Пирогов номидаги Россия давлат тиббиёт университети.

Диссертациянинг йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади опий гиёҳвандлиги шаклланиши, ривожланиши ва кечиш механизмларининг гендер хусусиятлари асосида табақалашган реабилитация чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

узоқ вақт давомида (беш йилдан ортиқ) опийлар истеъмол қилиш оқибатида бош миyanинг морфо-структуравий ўзгаришининг шаклланиши исботланган;

миyanинг бир оз қуриши (атрофияси)дан то субарахноидал макон ва ён қоринчаларнинг кенгайиши, оқ ва қулранг моддада зичлиги паст ўчоқлар пайдо бўлишигача ўзгариб туриши ҳамда морфологик ўзгаришлар когнитив функциялар ёмонлашувидан далолат берувчи клиник аломатлар билан кечиши ва ушбу функциялар наркотиклашув стажи беш йилгача бўлганида нисбатан сақланиб қолиши асосланган;

аёлларда опиоид тобелик кечишига юқори даражадаги прогредийентлик хослиги, бу эса наркотиклар истеъмол қилишнинг энг юқори даражада наркогенликка эга бўлган героиндан ва томир ичига юборишдан бошланиши сингари омиллар билан боғлиқлиги исботланган;

аёлларда аффектив вариант ва эркакларда аралаш вариант устунлик қилиши тарзида опийли абстинент синдромнинг гендер хусусиятлари ҳамда постабстинент даврда опийларга нисбатан патологик мойилликнинг клиник вариантларида ишончли гендер фарқлар очиб берилган;

вирусли гепатит С ва ОИВ-инфекциялар наркотикларга тобе эркакларда ҳам, аёлларда ҳам опийли гиёҳвандликнинг клиник кўринишларига таъсир кўрсатиши ҳамда ОИВ ва гепатит С га чалиниш частотаси жинсий мансублик ва наркотиклашув стажига чамбарчас боғлиқ эмаслиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

опий гиёҳвандликнинг гендер хусусиятида шаклланиш жараёни, ривожланиши, кечиши ва реабилитацияси бўйича олинган илмий натижалар асосида: «Дифференциаллашган даволаш нуқтаи назаридан опий гиёҳвандлигининг клиник вариантлари» мавзусидаги услубий тавсиялар ҳамда «Даволаш-реабилитацион тадбирларни аниқлаш учун опий гиёҳвандликка чалинган беморларнинг реабилитацион имконият даражасини баҳолаш» дастурлари асосида соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика наркология маркази, Тошкент вилоят наркологик диспансери ва Бухоро шаҳар наркологик диспансери фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 26 майдаги 8Н-д/36-сон ва 2015 йил 4 декабрдаги 8Н-3/24-сонли маълумотномалари). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши беморларни касалхонага ётқизишлар сони ва касаллик декомпенсацияси тезлигини камайтириш имконини берган.

Ризаева Севара Миргуламовна: «Сурункали пародонтитнинг клиник-морфологик асослари ва даволашда янги усуллар ишлаб чиқиш», 14.00.21–стоматология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Tib446.

Илмий маслаҳатчи: Х.И.Ирсалиев, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса: Тошкент тиббиёт академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги 16.07.2013.Tib.17.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Андреас Шульте, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Г.И.Лукина, тиббиёт фанлари доктори; Н.Л.Хабилов, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ёнсей университети стоматология институти (Жанубий Корея).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади пародонт тўқимасининг клиник-морфологик шикастланиши оғирлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва улар асосида тарқоқ пародонтитнинг патогенетик терапиясига янги ёндашувларни асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эритроцитларнинг функционал-морфологик ҳолатининг тизимли ва маҳаллий бузилишини, қон реологиясини, липопероксидация, микроциркуляция жараёнларини ва пародонтнинг клиник ҳолатини коррекцияловчи, пародонтитнинг даволаш тизими асосланган;

яллиғловчи инфилтрат, апоптоз даражаси, милк биоптатларида микроциркулятор бузилишлар оғирлигини инобатга оладиган пародонт тўқималарида морфологик ўзгаришлар оғирлигини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

илк марта сурункали тарқоқ пародонтитни даволашда томир ичи ва тери орқали лазер нурланишини қўллаш самарадорлиги клиник-морфологик нуқтаи назаридан асослаб берилган;

пародонтдаги мембрана-деструктив жараёнлар, гемореологик, микроциркулятор бузилишларни тизимли ва маҳаллий коррекциялашда вена ичида қоннинг лазер нурланиши ҳамда мексидол препаратини комплекс қўллашда пародонтит билан касалланган беморларни даволашга янгича ёндошиш ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

сурункали тарқоқ пародонтитни даволаш тактикасини оптималлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган самарали даволаш усули соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳри 1-стоматология поликлиникаси, «Childent» клиникаси қошидаги болалар стоматологияси ва ортодонтия йўналишига татбиқ қилинган. Таклиф қилинган усул анъанавий усулга нисбатан «Умумий оғирлик» индексининг 18 пункт (36 фоиздан 18 фоизга), шунингдек сарф-харажатларнинг 51 фоиз, пародонтал чўнтак ажралмасининг 38 фоиз, чўнтак чуқурлигининг 25 фоиз, пародонтал тишлар қимирлашининг 16 фоиз ва милк қонашининг 13 фоиз камайиши таъминланган (Соғ-лиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 20 февралдаги 8Н-д/12-сон маълумотномаси).

Иноятов Амрилло Шодиевич: «Юз-жағ соҳаси туғма нуқсонлари ривожланиш хавфининг экологик, клиник-иммунологик омиллари ва уларнинг олдини олиш», 14.00.36 – аллергология ва иммунология; 14.00.21 – стоматология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Тиб445.

Илмий маслаҳатчилар: Д.А.Мусаходжаева, биология фанлари доктори; М.И.Азимов, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассасалар: Иммунология институти ва Бухоро давлат тиббиёт институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассасалар номи, ИК рақами: Иммунология институти ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги 16.07.2013.Тиб16.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Г.А.Исмаилова, тиббиёт фанлари доктори, профессор; А.И.Хасанов, тиббиёт фанлари доктори, профессор; А.А.Мамедов, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Н.И.Пирогов номидаги Россия тиббиёт университети (Москва).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади юз-жағ соҳаси туғма нуқсонлари бор болаларнинг туғилиш хавфи омилларини аниқлаш, прегравида профилактика принципларини ишлаб чиқиш, хейло- ва уранопластикада иммунотерапиянинг афзаллигини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Бухоро ва Навоий вилоятларида яшовчи аёлларнинг ҳомиласида туғма нуқсонларнинг ривожланиши турли хил тератоген (ксенобиотиклар, юқумли касалликлар, дори воситалари ва аралаш) омиллар таъсирида келиб чиқиши аниқланган;

аралаш тератоген омиллар таъсиридаги аёллар иммун тизимида CD3+ ва CD4+- лимфоцитлар сонининг пасайишига мойиллиги, киллер ҳужайралари сони ва яллиғланишга хос IL-1β, TNF-α, IL-6 цитокинлар миқдори ортиши хусусияти аниқланган;

анамнезида инфекция омиллари бор аёллар иммун тизимида апоптозга хос рецепторли лимфоцитлар ва IFN-γ миқдорларининг ўзаро мувофиқ ҳолда ўзгариб бориш тенденцияси исботланган;

ЮЖСТН чақалоқларни туққан, ксенобиотиклар билан алоқаси бўлган аёлларнинг иммун тизими IL-4 ва IL-6 цитокинлари миқдори нуқсонларсиз туққан аёлларга нисбатан ишонарли ортиши аниқланган ва ксенобиотиклар туғма нуқсонлар шаклланишида бирламчи омиллардан экани исботланган;

илк бор экологик ноқулай минтақада туғилган ЮЖСТН болаларда CD3+-, CD4+-лимфоцитлари сони ва IFN γ – миқдорининг ишонарли камайиши ҳамда CD16+-хужайралар сони ва IL-1 β , TNF- α миқдорининг ишонарли ортиши аниқланган;

ЮЖСТН болаларни операциядан олдин ва кейин деринат ҳамда полиоксидоний препаратлари билан даволаш ижобий клиник-иммунологик динамика ва операциядан кейинги асоратларнинг камайишига асос экани исботланган;

илк бор аёлларни прегравидар тайёрлаш мақсадида тератоген омиллар турига қараб иммун тизим ҳолати мувозанатини таъминловчи, ҳомила шаклланишини меъёрлаштирувчи, иммунокоррегирловчи комплекс даво схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

юз-жағ соҳаси туғма нуқсонлари ривожланиш хавфининг экологик, клиник-иммунологик омиллари ва уларнинг олдини олиш юзасидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Бухоро вилояти она ва бола скрининг маркази, Бухоро вилояти перинатал маркази ва Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолиятига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 29 январдаги 8н-3/39-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар болалиқдан эрта ногиронликнинг олдини олиш, даволаш самарадорлигини ошириш, юз-жағ соҳаси туғма нуқсонлари билан туғилиш частотасини камайтириш, шифохонада даволаниш кунини уранопластика операциясидан кейин 22 фоизга, хейлопластика операциясидан кейин 29 фоизга қисқартириш имконини яратган.

Убайдуллаева Зухра Ибрагимовна: «Донорликнинг асосий параметрларига боғлиқ доимий плазмадонорларда биокимёвий кўрсаткичлар», 14.00.29–гематология ва трансфузиология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/В2016.1.Tib497.

Диссертация бажарилган муассаса: Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги 16.07.2013Tib17.02 рақамли илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: А.А.Бугланов, биология фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Д.Сулейманова, тиббиёт фанлари доктори, профессор; А.Н.Арипов, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Cabantchik Z.Ioav, тиббиёт фанлари доктори, фалсафа доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: И.М. Сеченов номли биринчи Москва тиббиёт университети.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади доимий плазмадонорларда нутриент дисбаланслар ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш ва оқсил – микроэлементларни кучайтирувчи препаратлар асосида ушбу дисбаланслар профилактикасини асослаш, темир танқислиги ҳолатини эрта аниқлашнинг самарали тест-диагностикумини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

асосий плазмадонорлик параметрлари (жинси, ёши, гемоглобин саломатлиги, донорлик стажи давомийлиги, донорланаётган плазма ҳажми, мавсумий ўзгаришлари) фаол плазмадонорлар организмидаги, гемопоз ва жигарнинг оқсилни синтезлаш функцияси ҳолатини ифодаловчи, биокимёвий кўрсаткичларга таъсир қилиши, ўз навбатида, ушбу кўрсаткичларнинг ўзгариши донорларда нутриент дисбалансларнинг ривожланиш хавфининг ўсишига олиб келиши мумкинлиги асосланган;

плазмадонорлар организмнинг оқсил-микроэлементлар ҳолати ва донорлик параметрлари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланган;

доимий плазмадонорларда нутриент дисбаланслар ривожланиши хавфи юзага келганида, оқсил микроэлементларни кучайтирувчи (Теравит, Экдистен) препаратларнинг самарадорлиги аниқланган;

илк бор темир танқислигини эрта аниқлаш учун диагностика умум ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

донорликнинг асосий параметрларига боғлиқ доимий плазмадонорларда биокимёвий кўрсаткичларга оид олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ қон қуйиш ва Тошкент тиббиёт академиясининг қон қуйиш станция-ларига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 16 январдаги 8Н-д/5-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар донорлар саломатлик ҳолатини мунтазам кузатиш, доимий

плазмадонорларда нутриент танқислиги ривожланиш хавфининг самарали олдини олиш, шу билан бирга уларни донорлик майдонида сақлаб қолиш имконини яратди.

Махмудов Аъзамжон Талатович: «Эркакларда сексуал бузилишларни комплекс ташхислаш ва даволаш», 14.00.31–урология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Тib87.

Илмий маслаҳатчи: Ф.А.Акилов, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса: Тошкент тиббиёт академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги 16.07.2013.Тib.17.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Сэ Вунг Ким, тиббиёт фанлари доктори, профессор; А.А.Камалов, РФ хизмат кўрсатган фан арбоби, РФ ФА мухбир аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор; А.А.Гайбуллаев, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Гессен ва Марбург университети клиникасининг Урология, болалар урологияси ва андрология департаменти (Германия).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади эркаклардаги сексуал бузилишларнинг ташхислаш ва даволаш усуллари янада такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёши 20–29 гача бўлган беморлар гуруҳида вақтидан илгари рўй берадиган эякуляциядан азият чекаётган беморларда комбинациялашган медикаментоз терапияни қўллаш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

барвақт эякуляцияни даволашда серотонинни қайта сўрилишини селектив тартибда тўсuvчи ингибиторлар (СССТТИ) (флуоксетин) ва 5-турдаги фосфодиэстераза ингибитори (тадалафил)дан таркиб топган дори воситаларидан иборат комбинацияланган медикаментоз терапия усули ишлаб чиқилган;

эркакларда жинсий заифликни эрта аниқлаш ва даволаш натижаларини баҳолашга имкон берувчи самарали диагностика восита – Uzbek index of premature ejaculation (UIPE) сўровномаси ишлаб чиқилиб, «UIPE электрон анкетаси»нинг офлайн ва онлайн версиялари ишлаб чиқилди.

вақтидан илгари рўй берадиган эякуляция ва эректил дисфункция касаллиги билан хасталанган беморларга ташхис қўйиш ва даволаш схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

эркаклар сексуал бузилишининг эрта ташхислаш ва даволаш натижаларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижа асосида Ўзбекистон Республикасининг ихтирога патент олинган (IAP 2014 0261);

эркаклар сексуал бузилишининг эрта ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруғи асосида соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Учтепа ва Олмазор туманлари тиббиёт бирлашмалари фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 31 декабрдаги 8Н-г/41 ва 2015 йил 23 декабрдаги 8Н-3/23-сон маълумот-номаси). Олинган илмий натижаларнинг жорий қилиниши барвақт эякуляциядан азият чекаётган беморларни даволаш ва профилактика муассасалари амалиётида илгари қўлланиб келинаётган анъанавий усулдан аниқлик бераётгани учун ташхис қўйиш самарадорлигининг 70,1 фоиз ошишига имкон берди.

Хамраев Атаджан Каримович: «Орол бўйи минтақасида силга қарши хизматни сил касаллигининг дорига бардошли шакллари тарқалганлигини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)», 14.00.33–жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Тib515.

Илмий маслаҳатчи: Д.А.Асадов, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги 16.07.2013.Тib.19.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Ш.Т.Искандарова, тиббиёт фанлари доктори, профессор; М.К.Шарипова, тиббиёт фанлари доктори; Н.Н.Парпиева, тиббиёт фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Андижон давлат тиббиёт институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикасида сил касаллигининг дори воситаларига бардошли (ДБ) шакллари тарқалганини инобатга олган ҳолда, силнинг дори воситаларига бардошли шакллари аниқлаш ва даволаш усуллари самарадорлигини ошириш ҳамда силга қарши хизматни ташкил этиш бўйича самарали ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги сил бўйича мураккаб эпидемиологик вазият унинг дорига бардошли шакллари тарқалиш даражаси юқорилиги билан боғлиқ экани исботлаб берилган;

силнинг оилавий ўчоқлари узоқ муддат сақланиб қолишига сабаб бўладиган асосий омиллар ўчоқлардаги касаллик манбасининг дорига бардошлилиги, санитар-гигиеник шароитларнинг қониқарсизлиги ва уларда олиб борилаётган профилактик ва соғломлаштириш тадбирларининг ташкилий жиҳатдан муайян вазиятга номутаносиблиги сабабли экани аниқланган;

силга чалинган беморлар даволаш жараёнини амбулатор шароитда ташкил қилишнинг маҳаллий шароитларга мослаштирилган ёндашувлари ишлаб чиқилган;

сил касаллигининг ДС ва ДБ шаклларига чалинган беморлар даволаш жараёнини амбулатор шароитда муваффақиятли ташкил қилиш мумкинлиги исботланган;

сил касаллигининг ДБ шаклларига чалинган беморларни аниқлашнинг молекуляр генетик усули «олтин стандарт» усули билан солиштириш негизда ташкилий жиҳатдан унинг Қорақалпоғистон шароитида қўллаш мумкинлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

силнинг ДБ шаклига чалинган беморларни шифохонада даволаш жараёнида дорига бардошлик даражасининг ўсиши ва унинг шифохона ичи инфекцияси сифатида тарқалиши сил микобактериялари (СМБ) штамлари генетик таҳлили асосида исботлаб берилган ва тиббиёт муассасалари ходимларига юқиш хавф омиллари аниқланган;

мавжуд силга қарши шифохона ўринлари қуввати эҳтиёждан ортиқлиги аниқланиб, силга қарши шифохоналар тармоғи ва улардаги ўринлар сонини оптималлаштириш зарурлиги исботланган;

аҳолига силга қарши ёрдам кўрсатишнинг ташкилий тамойилларини қайта кўриб чиқиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Силнинг дорига сезувчанлигини экспресс молекуляр тестни қўллаган ҳолда ишлаб чиқилган диагностик ва даволаш алгоритми Қорақалпоғистон Республикаси даволаш профилактика муассасалари амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 16 январдаги 8к-2/39-сон маълумотномаси; Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 30 ноябрдаги 298-сон буйруғи);

«Силга чалинган беморларни амбулатор шароитда даволаш учун танлаб олиш мезонлари» тўғрисидаги йўриқнома Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 3 февралдаги 39-сонли буйруғи билан 8 та туман ва шаҳар ҳудудидаги силга қарши ва бирламчи тиббий ёрдам муассасалари амалиётга жорий қилинган. Илмий натижаларнинг жорий этилиши сил касаллигини даволашга ихтисослашган шифохона ўринларини 25 фоизга қисқартирган (Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 16 январдаги 1/28-сонли хати);

«Сил касаллигининг дори воситаларига кўп бардошли шакллари (СК-ДВКБ) даволашни ташкил қилиш бўйича қўшма консилиум тўғрисидаги Қоида», «Болалар ва ўсмирларда СК-ДВКБ шакллари даволашни ташкил қилиш тўғрисидаги Қоида», «СК-ДВКБ шакллари билан даволанаётган беморларни амбулатор даволашга эрта чиқариш мезонлари тўғрисидаги Қоида», «СК-ДВКБ шакллари DOTs Плюс дастурида даволашни нохуш натижа билан якунлаган беморларни паллиатив даволаш бўлими тўғрисидаги Қоида» Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 2 декабрдаги 299-сон буйруғи билан тасдиқланган ва ҳудуддаги даволаш-профилактик ва санитария-эпидемиология муассасалари фаолиятида қўлланилган.

Саттаров Жамолиддин Бахронович: «Болаларда ичак ротацияси ва фиксацияси нуқсонларини ташхислаш ва жарроҳлик тактикасини танлаш», 14.00.35–болалар хирургияси (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Тиб90.

Илмий маслаҳатчи: Н.Ш.Эргашев, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса: Тошкент педиатрия тиббиёт институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги 16.07.2013.Tib.18.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Т.К.Немилова, тиббиёт фанлари доктори, профессор; М.М.Алиев, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Ш.Т.Салимов, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: «Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети» Олий касб-ҳунар таълими давлат бюджет таълим муассасаси (Москва).

Диссертациянинг йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади ичаклар ротацияси ва фиксацияси бузилиши сабабли юзага келадиган туғма ичак тутилишларида, анте- ва постнатал ташхислаш ва жарроҳлик ёндашувини танлаш асосида даволаш натижасини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мегадуоденум билан болаларда кечадиган дуоденал тутилишларни жарроҳлик йўли билан даволаш усули ишлаб чиқилган;

илк бор чақалоқлар ва турли ёш гуруҳидаги болаларда ичаклар ротацияси ва фиксацияси бузилишларини алоҳида вариантларининг клиник кечиши, уларни ташхислашнинг қўшимча усуллари натижалари ва операция пайтидаги анатомик кўринишлари тизимлаштирилган;

болаларда ичаклар ротацияси бузилишларининг кечиши ёшга боғлиқ бўлмаган ҳолда ингичка ичак алоҳида қисмларининг ёки бутун ўрта ичак бўйлаб сиқилиш ёки буралишнинг (қисман, тўлиқ) даражасига мувофиқлиги аниқланган;

соғлом ва ичаклар мальротацияси билан оғриган болаларда юқори ичак тутқич томирларида қон оқимининг доплерометрик кўрсаткичлари ўрганилганда: артериал қон томирларда гемодинамик кўрсаткичларнинг назорат гуруҳига қараганда камайиши, вена томирларининг эса диаметри нисбатан катталари касалликнинг клиник кечишига мос келиши аниқланган;

болаларда ИМнинг асоратланмаган, асоратланган ва уйғунлашган вариантларида оптимал жарроҳлик ёндашув илмий асосланган; ротация бузилишларида ўрта ичакнинг фиксациясиз ёки физиологик ҳолатда фиксация билан бартароф этилишига кўрсатмалар белгилаб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

мегадуоденум билан болаларда кечадиган дуоденал тутилишларни жарроҳлик йўли билан даволаш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ихтиро патенти олинган (№IAP 04826, 20.01.2014 й.). Ушбу усул ўн икки бармоқли ичакнинг бутунлигини сақлаган ҳолда, унинг айланма ўлчамини камайтириш ва ўтказувчанлигининг тўлиқ тикланиш имконини берган;

болаларда ичак ротацияси ва фиксацияси нуқсонларини ташхислаш ва жарроҳлик тактикасини оптимал танлаш усули бўйича олинган илмий натижалар «Болаларда ичаклар ротацияси ва фиксацияси нуқсонларини ташхислаш усуллари» ва «Ичаклар ротацияси ва фиксацияси нуқсонлари билан оғриган болаларни жарроҳлик даволаш самарадорлигини ошириш усули» услубий қўлланмалари асосида соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан, Республика перинатал маркази ва Тошкент шаҳри 2-сонли болалар клиник жарроҳлик шифохонаси амалиётга татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 9 декабрдаги 8Н-3/26-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг жорий қилиниши туғма ичак тутилиши ва ичаклар мальротациясини эрта ташхислаш имкониятларини ошириши, даво тактикасини танлашдаги оптимал ёндашув асосида даволашнинг бевосита ва узоқ натижаларини яхшилаш ва радикал операциялар салмоғини ошириш ҳисобига, ўлим ҳолатини ТИТда 34,3 фоиз ва мальротацияда 38 фоизга камайтириш имконини берган.

Нурматов Ёдгормирза Хотаммирзаевич: «Болаларда уретра клапанини жарроҳлик даволаш ва ташхисини оптималлаштириш», 14.00.35–болалар хирургияси (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Tib523.

Илмий маслаҳатчи: Ж.Б.Бекназаров, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги 16.07.2013.Tib.18.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: В.Г.Гельд, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Н.Ш.Эргашев, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Ю.М.Ахмедов, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Россия Федерацияси тиббиёт фанлари академияси «Болалар саломатлиги илмий маркази» федерал давлат бюджет илмий муассасаси, Болалар хирургияси илмий-тадқиқот институти (Москва).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда уретра клапанини ташхислаш ва жарроҳлик усулини оптималлаштириш асосида даволаш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда уретра клапани бўлган ҳолларда комплекс уродинамик текширув натижалари ҳамда қуйи сийдик йўллари фаолияти бузилишини аниқловчи катталарга мўлжалланган халқаро (IPSS) сўровномасининг болаларга мослаштирилган вариантыга асосан илк бор қуйи сийдик йўллари функцинал фаолияти баҳоланган ва болаларда уретра клапанини ташхислашда қиёсий ёндашув ишлаб чиқилган;

илк бор уретра клапанини ташхислашда қуйи пешоб йўллари уродинамикасида обструктив ва нообструктив бузилишлари фарқ қилиниб, шу ўзгаришлар ҳамда қовуқ девори қалинлиги, детрузор мускул таранглиги, уретра соф кесими, қолдиқ сийдик ҳажми, сийиш акти тезлиги, қовуқ ички босими, уретра ичи қаршилиги каби сифатий кўрсаткичлар билан биргаликда даволаш натижалари ва буйрак фаолияти қандай бўлишини белгиловчи асосий мезон бўла олиши асосланган;

уретра клапани билан анъанавий жарроҳлик усулида даволангандан сўнг қониқарсиз натижаларни намоён этган беморларда қуйи сийдик йўллари функциясида кузатилган салбий натижалар, хусусий конструкцияга асосланган металл вальвулотом ёрдамида патогенетик асосланган ретроград везикоэндопункцион вальвулотомияни (РВЭПВ) қўллашга асос бўлган;

болаларнинг ёши нечада бўлишига қарамасдан бажариш имконини берувчи РВЭПВ амалиётидан кейинги эрта ва кечки даврлардаги уродинамик кўрсаткичларнинг ижобий ўзгариши, обструкцияни бартараф этувчи бошқа усулларга нисбатан, уретра ички юзасидан клапанни бутунлай бартараф этгани туфайли уретра шиллиқ қавати анатомик бутунлиги тўлалигича тикланиши далилланган;

инфравезикал обструкциянинг қандай даражада намоён этишига ва юқори сийдик йўлларидаги функцинал ўзгаришларга таяниб, уретра клапанининг асоратли шакллари хирургик муолажага тайёрлаш ҳамда оператив даволашдан сўнгги эрта ва кечки натижаларини прогнозлаш ишлаб чиқилган ва асосланган;

уродинамик текширувларга асосланган амалиётга татбиқ қилинган ташхисот дастурига мувофиқ, уретра клапанининг турли клиник кечишига қиёсий ёндашилгани туфайли хасталик намоён бўлгунига қадар сийдик йўллари функциясида салбий ўзгаришлар бўлган болалар гуруҳи ҳамда эрта оператив давони ўтказишга муҳтож беморлар гуруҳи аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

болаларда уретра клапанини эрта аниқлаш ва жарроҳлик усуларида даволаш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиёти, жумладан, Фарғона вилояти урология маркази ва Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 16 декабрдаги №8 Н-д/28-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши уретра клапани билан хасталанган беморларни диагностик баҳолаш усуларини 28 фоизга оптималлаштириш ва беморларнинг стационарда ётиш муддатларини 25 фоизга қисқартириш имконини берган.

Азизова Раъно Баходировна: «Идиопатик ва симптоматик эпилепсияда клиник-нейроиммунологик паралеллар», 14.00.13 –неврология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Тib51.

Диссертация бажарилган муассаса: Тошкент тиббиёт академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги 16.07.2013.Тib.19.01 рақамли илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Г.С.Рахимбаева, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: А.А.Скоромец, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Ш.Ш.Магзумова, тиббиёт фанлари доктори, профессор; А.Т.Джурабекова, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Қозоғистон миллий тиббиёт университети.

Диссертациянинг йўналиши: илмий амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади идиопатик ва симптоматик эпилепсияда клиник-нейроиммунологик параллелларни уларнинг касаллик патогенезидаги ва кечишини прогнозлашдаги ролини аниқлаш орқали ташхисий ва терапевтик ёндошувларни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

симптоматик ва идиопатик эпилепсиянинг клиник-нейрофизиологик хусусиятларини когнитив бузилишларни ҳисобга олган ҳолда дифференциал-ташхислаш мезонлари аниқланган;

S100, GFAP, MUO, NF200 оқсилларига ва глутамат, ГАМК, дофамин, серотонин, холин ва вольтажга тобе Са-канали нейромедиаторларига нисбатан зардобдаги иммунреактивликни аниқлаш орқали идиопатик ва симптоматик эпилепсияда иммун-биокимёвий силжишлар исботлаб берилган;

эпилепсиядаги нейроиммун ўзаро боғлиқлиги асосида, идиопатик эпилепсия патогенезининг асосий бўғини нейромедиаторлар дисбаланси, симптоматик эпилепсияда эса ААТнинг GFAP ва MUO га ошиши аниқланган;

эпилепсиянинг шаклига кўра, иммунреактивлик кўрсаткичлари орасидаги тафовутнинг ошиши, улардаги силжишларнинг мазкур оқсиллар ва нейромедиаторлар-га қарши антитаналар хусусиятлари аниқланиши эпилепсия хуружлари патогенезининг молекуляр механизмлари нуқтаи назаридан турли келиб чиқишга эгаллиги исботланган;

зардобдаги табиий аутоантитаналар миқдори билан эпилепсия шакллари, касалликнинг давомийлиги, хуружлар қайтарилиш частотаси, когнитив ўзгаришлар мавжудлиги ўртасида корреляциявий параллеллар аниқланган ва эпилепсиянинг кечиши, оғирлигини прогнозлашнинг иммунологик мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

эпилепсия касаллигида когнитив ўзгаришларини самарали даволаш бўйича олинган илмий натижалар “Эпилепсияда когнитив ўзгаришларни даволаш усулларини мутаносиблаштириш” услубий тавсиянома асосида соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Тошкент шаҳар 5-клиник шифохонасига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 24 февралдаги 8Н-г/15 ва 2015 йил 29 октябрдаги 83/11-сон маълумотномалари). Амалиётга жорий қилинган тавсиялар эпилепсия касаллигида ремиссия ҳолатлари 22,3% га ортиб, госпитализация эса ўртача йилига $1,8 \pm 0,05$ марта камайтириш имконини берган.



Социология фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Содиқова Шохидат Марҳабоевна: «Жамиятни модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий ҳимоялашнинг социологик таҳлили», 22.00.02–ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва

турмуш тарзи (социология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3–4.56.

Диссертация бажарилган муассаса: Ўзбекистон Миллий университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 16.07.2013.Ф.01.04 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: М.Х.Ганиева, социология фанлари доктори, профессор; Ата-Мирзаев Озод, география фанлари доктори, профессор; А.Ж.Холбеков, социология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади жамиятни модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда ёшларни тарбиялашда кексалик ижтимоий мақомининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор миллатнинг ментал ва этномаданий хусусиятлари ҳамда геронтологик белгиларини эътиборга олган ҳолда, жамият ижтимоий тузилмасининг дифференциялашган гуруҳларга бўлиниши асосланган;

кексаларни ижтимоий ҳимоялашда шахсга феноменологик ёндашув (инсоннинг биологик, психологик, ижтимоий қариши, ўз-ўзини англаши, шахслараро ва институционал муносабатларни барқарорлаштириш ва регуляция қилиш хусусияти) орқали социологик сўровноманинг модификациялаштирилган ижтимоий-маънавий шакли ишлаб чиқилган;

жамият ижтимоий тузилмасида кексаларнинг ҳаёт фаолиятини ташкил этиш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга йўналтирилган кексаларни қўллаб-қувватлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

кексаликнинг хронологик, психологик ва социологик жиҳатларини Лаутон шкаласи бўйича баҳолаш мезонлари (соғлом турмуш тарзи, ижтимоийлашув жараёни, жамиятдаги ўрни) ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

жамиятни модернизация қилиш жараёнида кексаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича ишлаб чиқилган ижтимоий-социологик таклифлар асосида:

ёшларни миллий кадрият ва анъаналар руҳида тарбиялашда кексаларнинг ижтимоий мақомини янада юксалтириш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгашининг (2014 йил 20 декабрдаги 05-01/472-сон хати) тавсияси билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги 2302-сон «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг 38-, 39-, 42-, 46-, 48-, 49-, 52-, 64-, 66-бандларини тайёрлашда фойдаланилган («Нуроний» жамғармаси Марказий кенгашининг 2015 йил 25 февралдаги 02/120-сон далолатномаси). Бунда кексаларга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила ва жамиятдаги роли ва нуфузини янада оширишга хизмат қилган;

ёлғиз кексалар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш борасида уларга ижтимоий-маънавий хизмат кўрсатишни ташкил этиш (кексаларнинг ҳаёт фаолиятини ташкил этиш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш) самарадорлигини ошириш борасидаги таклифлар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тавсияси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 августдаги 237-сон «Кексалар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш ва манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни янада кучайтириш тўғрисида»ги қарорини тайёрлашда фойдаланилган (Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2016 йил 3 мартдаги 02-07/709-сон далолатномаси). Мазкур таклифлар ёлғиз кексалар ва ногиронларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимида малакали ижтимоий иш ходимларини тайёрлаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

модификациялаштирилган сўровноманинг ижтимоий-маънавий шакли «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази фаолиятига жорий қилинган («Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг 2015 йил 11 августдаги 01-10/262 далолатномаси). Сўровнома ижтимоий тузилмаларни геронтологик тавсифлаш ва шахсга феноменологик ёндашувларнинг илмий, ижтимоий-маънавий моҳиятини очишдаги ижтимоий самарадорликни таъминлашга имкон яратган;

кексаликнинг хронологик, психологик ва социологик жиҳатларини Лаутон шкаласи бўйича баҳолаш мезонлари Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятига жорий қилинган («Нуроний» жамғармаси Марказий кенгашининг 2015 йил 25 февралдаги 02/120-сон далолатномаси). Мазкур баҳолаш мезонларининг «Нуроний» жамғармаси фаолиятига жорий қилиниши катта авлод вакиллариининг жамият ижтимоий тузилмасидаги мақомини янада юксалтириш, ижтимоий-маънавий талабини янада сифатли қондиришга хизмат қилган.

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори билан 2016 йилда рад жавоби берилган ва Тартиб-қоида комиссияси қарори билан кўриш жараёнидан тўхтатилган аттестация ишлари ҳақида маълумот

| Т/р | Аттестация ишини тақдим этган муассаса номи | Кўриш жараёнидан тўхтатилган аттестация ишлари сони | Жумладан | |
|-----|---|---|---|--|
| | | | Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсат қарори асосида | Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси қарори асосида |
| 1 | Андижон давлат университети | 1 | – | 1 |
| 2 | Қарши давлат университети | 2 | – | 2 |
| 3 | Миллий рассомчилик ва дизайн институти | 1 | – | 1 |
| 4 | Наманган давлат университети | 1 | – | 1 |
| 5 | Нукус давлат педагогика институти | 2 | – | 2 |
| 6 | Республика кардиология илмий маркази | 1 | – | 1 |
| 7 | Тошкент давлат педагогика университети | 3 | – | 3 |
| 8 | Тошкент давлат стоматология институти | 2 | – | 2 |
| 9 | Тошкент молия институти | 1 | – | 1 |
| 10 | Тошкент тиббиёт академияси | 1 | – | 1 |
| 11 | Тупроқшунослик ва агрохимё ИТИ | 1 | – | 1 |
| 12 | Фарғона давлат университети | 1 | – | 1 |
| 13 | Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия инс. | 1 | – | 1 |
| 14 | Ўзбекистон давлат консерваторияси | 2 | – | 2 |
| 15 | Ўзбекистон Миллий университети | 2 | – | 2 |
| 16 | Ўсимликларни ҳимоя қилиш ИТИ | 1 | – | 1 |
| 17 | Қорақалпоқ давлат университети | 2 | – | 2 |
| 18 | Қўқон давлат педагогика институти | 1 | – | 1 |
| | Жами | 26 | – | 26 |

Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси қарори билан кўриш жараёнидан тўхтатилган ишлар ҳақида

1. Тошкент молия институти кенгаши томонидан профессор илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **С.У.Меҳмоновнинг** аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 13-банди талаб даражасида бажарилмаган: талабгорнинг илмий даража олган олий малакали мутахассис тайёрлагани тўғрисида маълумот келтирилмаган).

2. Қорақалпоқ давлат университети кенгаши томонидан профессор илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **М.Кидирниязовнинг** аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 10-банди ва 12-бандининг «е» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: 10) талабгор нашр эттирган ўқув қўлланмалар ОТМнинг ўқув-услубий кенгаши ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан, бошқа ўқув адабиётлари эса, ОТМнинг ўқув-услубий кенгаши томонидан педагогик амалиётда фойдаланиш учун тавсия этилгани тўғрисида маълумот келтирилмаган; е) педагогик амалиётда фойдаланилаётган, жумладан, диссертация ҳимоясидан кейин ОТМ ўқув дастурларига мос келадиган дарслик ёки ўқув қўлланмалар ва бошқа ўқув адабиётлар нашр эттиргани тўғрисида маълумот келтирилмаган).

3. Нукус давлат педагогика институти кенгаши томонидан профессор илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **А.Жумамуратовнинг** аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 8-, 10-бандлари ва 17-бандининг «д», «е», «ж» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: 8) талабгорнинг «Мустақиллик мафкураси ҳамда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий негизлари ва илмий асослари» фани бўйича махсус имтиҳон топширгани тўғрисида маълумот келтирилмаган; 10) талабгор нашр эттирган ўқув қўлланмалар ОТМнинг ўқув-услубий кенгаши ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан, бошқа ўқув адабиётлари эса, ОТМнинг ўқув-услубий кенгаши томонидан педагогик амалиётда фойдаланиш учун тавсия этилгани тўғрисида маълумот қайд этилмаган; д) илмий даража олган олий малакали мутахассисни тайёрлагани тўғрисида маълумот қайд этилмаган; е) педагогик амалиётда фойдаланилаётган, жумладан, диссертация ҳимоясидан кейин ОТМ ўқув дастурларига мос келадиган дарслик ёки ўқув қўлланмалар нашр эттиргани тўғрисида маълумотлар берилмаган; ж) талабгорнинг диссертация ҳимоясидан кейин халқаро илмий журналларда иккита илмий мақола чоп эттиргани ҳақида маълумот келтирилмаган. 2. Талабгор тўғрисидаги объектив-маълумотнома (3.5-шакл) талабга мувофиқ расмийлаштирилмаган).

4. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти кенгаши томонидан профессор илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Р.М.Маткаримовнинг** аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 12-бандининг «ж» кичик банди ва 13-банди талаб даражасида бажарилмаган: ж) талабгорнинг диссертация ҳимоясидан кейин нуфузли хорижий илмий журналларда иккита илмий мақола чоп этгани тўғрисида маълумот қайд этилмаган; 13) талабгорнинг халқаро ёки республика танловлари ғолибларини тайёрлагани тўғрисида маълумот келтирилмаган. 2. Талабгор томонидан «Мустақиллик мафкураси ҳамда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий негизлари ва илмий асослари» фани бўйича малакавий имтиҳон асосий меҳнат фаолияти ҳудудида топширилиши лозим ҳамда имтиҳон олиш ҳуқуқи, хусусан, 1) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги бошқарув академияси; 2) Самарқанд давлат университети (Самарқанд, Бухоро, Навоий, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари); 3) Қорақалпоқ давлат университети (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти) (Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг 2014 йил 31 октябрь 209/5-сон қарори); 4) Андижон давлат университети (Андижон, Наманган ва

Фарғона вилоятлари) (ОАК Раёсатининг 2015 йил 28 апрель 215/2-сон қарори) ҳамда Ўзбекистон Миллий университетига (ОАК Раёсатининг 2015 йил 22 декабрь 219/4-сон қарори) берилган).

6. Ўзбекистон давлат консерваторияси кенгаши томонидан профессор илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **С.А.Гафурованинг** аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 14-банди талаб даражасида бажарилмаган: талабгор томонидан тайёрланган ва нашр этилган дарслик тақдим этилмаган).

7. Ўзбекистон Миллий университети кенгаши томонидан профессор илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Ш.А.Азизовнинг** аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган (1.«Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 28-банди талаб даражасида бажарилмаган: «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» танловида ғолиб чиққан дарслик муаллифига илмий унвон бериш масаласи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» танлови ғолибларига илмий даража ва илмий унвон бериш тўғрисида»ги 290-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 13-сон, 87-модда) белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар тақдим этилмаган).

8. Қорақалпоқ давлат университети кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Р.Хожамуратованинг** аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 17-бандининг «г», «к» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: г) талабгор томонидан 1 та ўқув қўлланма нашр этилган, аммо ОТМ ўқув дастурларига мос келувчи бошқа ўқув адабиётлари нашр эттирилгани ҳақида маълумотлар келтирилмаган (талабгор томонидан тақдим этилган «Практическая гидроэкология» ўқув адабиётида ўрнатилган тартибда ОТМнинг илмий-услубий кенгаши ва тегишли вазирлик томонидан педагогик амалиётда фойдаланиш учун тавсия этилгани тўғрисида маълумот қайд этилмаган); к) талабгорнинг аттестация жараёнида иштирок этаётгани (тақризчи, илмий семинар ёки фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоси, расмий оппонент ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотни аниқлаштириш керак).

9. Фарғона давлат университети кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **М.Назаровнинг** аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 17-бандининг «г», «к» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: г) талабгор томонидан 1 та ўқув қўлланма нашр этилган, аммо ОТМ ўқув дастурларига мос келувчи бошқа ўқув адабиётлари нашр эттирилгани ҳақида маълумотлар келтирилмаган (талабгор томонидан тақдим этилган «Умумий гидробиология» ўқув адабиётида ўрнатилган тартибда тегишли вазирлик томонидан педагогик амалиётда фойдаланиш учун тавсия этилгани тўғрисида маълумот қайд этилмаган); к) талабгорнинг аттестация жараёнида иштирок этаётгани (тақризчи, илмий семинар ёки фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоси, расмий оппонент ва бошқалар) юзасидан маълумотлар қайд этилмаган. 2. Талабгор тўғрисидаги объектив-маълумотнома (3.5-шакл) талабга мувофиқ расмийлаштирилмаган).

10. Миллий рассомчилик ва дизайн институти кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Л.Р.Раупованинг** аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган (1.«Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 17-бандининг «г» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: г) талабгорнинг давлат грантлари ва бошқа илмий лойиҳалар ёхуд хўжалик шартномалари асосидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида илмий изланишлар олиб бараётгани тўғрисида маълумот келтирилмаган. 2. Талабгор тўғрисидаги объектив-маълумотнома (3.5-шакл) талабга мувофиқ расмийлаштирилмаган).

11. Андижон давлат университети кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **З.А.Джурбаеванинг** аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 13-банди талаб даражасида бажарилмаган: талабгорнинг дарслик ва иккита ўқув қўлланманинг яқка муаллифи экани тўғрисида маълумот келтирилмаган. 2. Йўлланма

хат ва тақдим этилган маълумотномада кўрсатилган илмий унвон сўралаётган ихтисослик шифри Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг 30 сентябрь 2014 йилдаги 208/4-сон қарори билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатида қайд этилган ихтисосликлар шифри ва номидан фарқ қилади).

12. Тошкент давлат педагогика университети кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **А.К.Нисанбаеванинг** аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 17-бандининг «г» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: г) талабгорнинг диссертация ҳимоясидан кейин ОТМ ўқув дастурларига мос келадиган бошқа ўқув адабиётлар нашр этгани тўғрисида маълумот келтирилмаган).

13. Тошкент давлат педагогика университети кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **И.Абдуллаевнинг** аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 17-бандининг «г» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: г) талабгорнинг педагогик амалиётда фойдаланилаётган, жумладан, диссертация ҳимоясидан кейин ОТМ ўқув дастурларига мос келадиган ўқув-услубий қўлланма ва бошқа ўқув адабиётлар нашр эттиргани қайд этилмаган. 2. Талабгор тўғрисидаги объектив-маълумотнома (3.5-шакл) талабга мувофиқ расмийлаштирилмаган.).

14. Ўзбекистон Миллий университети кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Д.Мирхамитованинг** аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 17-бандининг «з» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: з) талабгорнинг давлат грантлари ёки бошқа илмий лойиҳалар ёхуд хўжалик шартномалари асосидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида илмий изланишлар олиб бораётгани тўғрисидаги маълумотни аниқлаштириш керак).

15. Қарши давлат университети кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **О.Т.Ўринованинг** аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 10-банди ҳамда 17-бандининг «г» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: 10) талабгор нашр эттирган ўқув қўлланмалар ОТМнинг ўқув-услубий кенгаши ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан, бошқа ўқув адабиётлари эса ОТМнинг ўқув-услубий кенгаши томонидан педагогик амалиётда фойдаланиш учун тавсия этилгани тўғрисида маълумот қайд этилмаган; г) педагогик амалиётда фойдаланилаётган, жумладан, диссертация ҳимоясидан кейин ОТМ ўқув дастурларига мос келадиган бошқа ўқув адабиётлар нашр эттиргани тўғрисида маълумотлар берилмаган).

16. Қарши давлат университети кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Э.Жабборовнинг** аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 17-бандининг «в» ва «з» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: в) талабгорнинг ОТМ асосий штатида кафедра мудири лавозимида ишлаб келадиганига бир йил тўлмаган; з) талабгорнинг давлат грантлари ёки бошқа илмий лойиҳалар ёхуд хўжалик шартномалари асосидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида илмий изланишлар олиб бораётгани тўғрисида асосланган маълумотлар қайд этилмаган).

17. Қўқон давлат педагогика институти кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **М.Н.Хушназарованинг** аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 10-, 18-бандлари талаб даражасида бажарилмаган: 10) талабгор нашр эттирган ўқув қўлланмалар ОТМнинг ўқув-услубий кенгаши ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан, бошқа ўқув адабиётлари эса, ОТМнинг ўқув-услубий кенгаши томонидан педагогик амалиётда фойдаланиш учун тавсия этилгани тўғрисида маълумот қайд этилмаган; 18) талабгорнинг педагогик амалиётда фойдаланилаётган ўқув адабиётларига эга бўлгани, жумладан, дарслик ёки камида иккита ўқув қўлланманинг яқка муаллифи экани тўғрисида маълумот келтирилмаган).

18. Тошкент давлат педагогика университети кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Т.С.Ачиловнинг** аттестация иши кўриш

жараёндан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 18-банди талаб даражасида бажарилмаган: талабгорнинг ОТМда камида ўн йиллик педагогик иш стажига эга экани тўғрисида маълумот келтирилмаган).

19. Наманган давлат университети кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Б.А.Талаповнинг** аттестация иши кўриш жараёндан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 17-бандининг «з» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: з) талабгорнинг давлат грантлари ёки бошқа илмий лойиҳалар ёхуд хўжалик шартномалари асосидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида илмий изланишлар олиб бораётгани тўғрисида асосланган маълумот келтирилмаган. 2. Талабгор тўғрисидаги объектив-маълумотнома (3.5-шакл) талабга мувофиқ расмийлаштирилмаган).

20. Тошкент тиббиёт академияси кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **С.М.Шукурджанованинг** аттестация иши кўриш жараёндан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 17-бандининг «в» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: в) талабгорнинг камида бир ўқув йили давомида ОТМнинг асосий штатида доцент лавозимида ишлаб келаётгани ҳақида маълумотлар келтирилмаган).

21. Тошкент давлат стоматология институти кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **У.А.Шукурованинг** аттестация иши кўриш жараёндан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 17-бандининг «в» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: в) талабгорнинг камида бир ўқув йили давомида ОТМнинг асосий штатида доцент лавозимида муваффақиятли ишлаб келаётгани ҳақида маълумотлар келтирилмаган).

22. Тошкент давлат стоматология институти кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Т.В.Мелькумяннинг** аттестация иши кўриш жараёндан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 17-бандининг «в» ва «е» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: в) талабгорнинг камида бир ўқув йили давомида ОТМнинг асосий штатида доцент лавозимида муваффақиятли ишлаб келаётгани ҳақида маълумотлар қайд этилмаган; е) талабгорнинг педагогик амалиётда фойдаланилаётган, жумладан, диссертация ҳимоясидан кейин ОТМ ўқув дастурларига мос келадиган дарслик ёки ўқув қўлланмалар нашр эттиргани ҳақида маълумотлар келтирилмаган).

23. Нукус давлат педагогика институти кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Г.Х.Қайпназарованинг** аттестация иши кўриш жараёндан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 17-бандининг «в» ва «з» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: в) талабгор камида бир ўқув йили давомида ОТМнинг асосий штатида кафедра мудири лавозимида ишламаган; з) давлат грантлари ёки бошқа илмий лойиҳалар ёхуд хўжалик шартномалари асосидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида илмий изланишлар олиб бораётгани тўғрисида тўлиқ маълумотлар келтирилмаган. 2. Талабгорнинг илмий ва ўқув-услубий ишлари рўйхатида (3.4-шакл) услубий ишлар бўлимида муаллифлик иштироки қайд этилмаган. 3. Талабгор тўғрисидаги объектив-маълумотнома (3.5-шакл) талабга мувофиқ расмийлаштирилмаган).

24. Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти кенгаши томонидан катта илмий ходим илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **А.Нуржановнинг** аттестация иши кўриш жараёндан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 19-бандининг «е» ва «ж» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: е) талабгорнинг маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этаётгани юзасидан маълумотлар аниқ келтирилмаган; ж) талабгорнинг аттестация жараёнида (тақризчи, илмий семинар ёки фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоси, расмий оппонент сифатида ва бошқалар) иштирок этаётганини аниқлаштириш керак. 2. 3.4-шакл бўйича рўйхатдаги илмий ишларида талабгорнинг муаллифлик иштироки ҳақида маълумотлар тўлиқ келтирилмаган. 3. Талабгор тўғрисидаги объектив-маълумотнома (3.5-шакл) тақдим этилмаган).

25. Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти кенгаши томонидан катта илмий ходим илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Б.Атоевнинг**

аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 19-бандининг «г», «е» ва «ж» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: г) талабгорнинг диссертация ҳимоясидан кейин нуфузли хорижий ёки халқаро илмий журналларда илмий мақола чоп эттирганини аниқлаштириш керак; е) талабгорнинг маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этаётгани юзасидан маълумотлар келтирилмаган; ж) талабгорнинг аттестация жараёнида иштирок этаётгани (тақризчи, илмий семинар ёки фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоси, расмий оппонент ва бошқалар) юзасидан маълумотлар қайд этилмаган).

26. Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази кенгаши томонидан катта илмий ходим илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Г.Ж.Абдуллаеванинг** аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 19-бандининг «е» ва «ж» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: е) талабгорнинг маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этгани ҳақида маълумотлар келтирилмаган; ж) талабгорнинг аттестация жараёнида иштирок этаётгани ҳақида маълумотлар қайд этилмаган. 2. Талабгор тўғрисида маълумотнома-объективка (3.5-шакл), жамоат ташкилотларининг тавсиялари тақдим этилмаган; 5.2а-шакл бўйича маълумотнома белгиланган намуна бўйича тўлдирилмаган; 3.4-шаклда талабгорнинг илмий ишларидаги муаллифлик иштироки кўрсатилмаган).

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар раҳбарлари диққатига!

Докторлик диссертацияси химояси ҳақида Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайти ва Ўзбекистон Республикаси ОАК Бюллетенида эълон қилиш учун диссертация химояга қабул қилиниб, расмий оппонентлар ва етакчи ташкилот тасдиқлангандан сўнг, 5 иш куни ичида диссертация автореферати чоп этилишидан аввал қуйидаги ҳужжатлар илмий кенгаш илмий котиби томонидан Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этилади:

- а) илмий кенгаш раиси имзолаган йўлланма хат¹;
- б) илмий даража талабгори тўғрисидаги объектив-маълумотнома;
- в) диссертация илмий натижаларининг амалиётга жорий этилгани тўғрисида берилган ҳужжатларнинг нусхалари;
- г) докторлик диссертацияси автореферати қўлёзмаси².
- д) қуйида келтирилган шакл асосида тайёрланган эълон матни.

Докторлик диссертацияси химояси ҳақида ОАК веб-сайти ва Ўзбекистон Республикаси ОАК Бюллетенида эълон қилиш бўйича эълон матни шакли:

I. Умумий маълумотлар.

Диссертация мавзуси, ихтисослик шифри (илмий даража бериладиган фан тармоғи номи).
Талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга лаёқати бўйича тест синовидан ўтгани ҳақида маълумот.

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони.

Диссертация бажарилган муассаса номи.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони.

Етакчи ташкилот номи.

Диссертация йўналиши (*назарий ёки амалий аҳамиятга молик*).

II. Тадқиқотнинг мақсади.

III. Тадқиқотнинг илмий янгилиги (диссертациянинг ҳар бир илмий янгилигининг моҳияти тавсифланган ҳолда қисқа, лўнда ва тушунарли таҳрирда берилади).

IV. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши (диссертациянинг амалиётга жорий этилган ҳар бир илмий натижаси келтирилган, моҳияти тавсифланган ва қиёси самараси кўрсатилган ҳолда баён қилинади. Унда амалиётга жорий қилинганини тасдиқловчи ҳужжатни берган ташкилот номи ва ҳужжатнинг санаси келтирилади).

ИК раиси Ф.И.Ш

ИК илмий котиби Ф.И.Ш

Илмий маслаҳатчи Ф.И.Ш

Талабгор Ф.И.Ш

Сана мўҳр

Изоҳ: Эълон матни 1–2 саҳифада компьютернинг Times New Roman шрифтида, 12 кегль катталиқда бир интервалда берилади.

Эълон матнининг электрон версияси ҳам топширилиши керак.

Эълон матни таҳририй жиҳатдан аниқ ва раво берилиши керак.

Эълонга қабул қилинган ҳужжатларнинг меъёрий-техник экспертизаси натижалари асосида эълон матни 10 иш куни ичида ОАК веб-сайтга жойлаштирилади ёки илмий кенгашлар электрон манзилларига (E-mail ёки E-xat) юборилади.

¹ Йўлланма хатда аттестация тадбирларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳам санаси кўрсатилган ҳолда келтирилади (талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатлилиги бўйича тест синови натижаси (илмий даражаси) ҳамда хорижий мамлакатнинг тегишли муассасаси етакчи ташкилот ва таникли мутахассис-олими расмий оппонент сифатида жалб этилганда, ушбу жараёнга тегишли барча сарф-харажатларни муайян ташкилот томонидан белгиланган тартиб-қондаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилиши бўйича ахборот берилади).

² ИК раиси, илмий котиби, илмий маслаҳатчи ва илмий даража талабгори томонидан имзоланган ҳамда автореферат матнининг (ўзбек, рус ва инглиз тиллари) тегишли таҳририят томонидан таҳрирдан ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Бюллетенининг мазкур сони нашри учун масъуллар:

| | |
|---------------|-----------------------------------|
| А. Юсупов | Ю. Иноятова |
| А. Даминов | А. Расулов |
| С. Зулунов | А. Саримсаков |
| Р. Мирсаатов | П. Усманов |
| А. Хужакулов | А. Ҳасанов |
| С. Халиқов | Н. Самигов |
| Б. Шамуратов | Л. Гафурова |
| А. Шамсиев | Т. Аҳмедов |
| К. Тўхтабеков | У. Бегимқулов |
| А. Зуфаров | А. Маврулов |
| О. Бозорова | Ф. Алиджанов |
| М. Соипова | О. Махманов (компьютер таъминоти) |

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий аттестация комиссияси Бюллетени, 2016 йил 1-сон.

Босишга 2016 йил 12 апрелда рухсат этилди. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}.
Офсет усулида босилди. Босма табағи – ____
Нашриёт-ҳисоб табағи – ____ . Адади 1500 нусха. Буюртма № ____ .
Сотувда келишилган нарҳда.

Таҳририят манзили: 100047, Тошкент, Академик Яҳё Ғуломов кўчаси,
70-уй. e-mail: info@oak.uz

босмаҳонасида чоп этилди.